Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 179 (20. 446) • 1989 йил 2 август, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ИШИ ТЎҒРИСИДА

1. Марказий Комитет секретарлари Д. Д. Берков, Ш. З. Камолхўжаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов ўртоқларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияларининг иши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияларининг составлари киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олиб тасдиқлансин.

3. Пленум шуни қайд этадики, Марказий Комитетнинг XII пленуми тузган комиссияларнинг фаолияти XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг талабларига мувофиқ эмас. Улар ўзларининг диққат-эътиборини партия ташкилотларининг омма ўртасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишини қайта қуришга доир муаммоларни ўрганишга ҳамда тегишли таклифларни ишлаб чиқишга қаратмадилар.

Марказий Комитет комиссияларига ва уларнинг раислари М. Ҳ. Холмуҳамедов, А. С. Ефимов, Д. Д. Берков, М. И. Иброҳимов, Ш. З. Камолхўжаев ўртоқларга (комиссияларнинг аъзолари иштирокида) сайлаб қўйиладиган кўплаб фаоллар ишга жалб этилишлари лозимлигини назарда тутиб, комиссиялар фаолиятининг йўналишларини танқидий қайта кўриб чиқиш топширилсин.

Ҳозирги босқичда партия сиёсатини амалга ошириш учун комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг аниқ мақсадга қаратилган иши таъминлансин.

Партия йўл-йўриқларини рўёбга чиқаришда иқтисодий, идеология, хўжалик органларининг иши устидан назорат кучайтирилсин, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга кўмаклашилсин.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларига мувофиқ Марказий Комитет комиссияларининг ўз фаолияти турли йўналишларига доир ҳисоботлари ва ахборотлари мунтазам тинглаб турилсин.

Область, шаҳар, район партия комитетлари партия комитетлари комиссияларининг ишини кучайтирсинлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг қарори

КАДРЛАР РЕЗЕРВИ СОСТАВИ ТЎҒРИСИДА

Область, шаҳар, район партия комитетлари фаолларни жалб этиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Марказий Комитет XIII пленумида тасдиқланган кадрлар резерви составини яна бир бор танқидий кўриб чиқсинлар. Партия ташкилотлари меҳнат коллективларининг йиғилишларида резервда кўрсатилган номзодларни муҳокама қилсинлар ва мазкур масала юзасидан ўзларининг таклифларини бир ой муддат ичида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тақдим этсинлар.

Марказий Комитетнинг ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими номзодларни республика жамоатчилиги муҳокама қилган чоғда айтилган фикрларни умумлаштирсин ва Марказий Комитетнинг навбатдаги пленумида маълум қилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАГИ ВОҚЕАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ТАФСИЛОТЛАРНИ ТЕКШИРУВЧИ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ЯКУНЛАРИ ВА ХУЛОСАЛАРИ ҲАМДА ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ, РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ М. И. Иброҳимовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Фарғона областидаги фожиали воқеалар тафсилотларини текширувчи комиссиясининг иши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

«Фарғона областидаги фожиали воқеалар ҳамда партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жавобгарлиги тўғрисида»ги масалани кўриб чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг 1989 йил 20 июлдаги хулосалари маъқуллансин. Содир бўлган воқеа маҳаллий партия ва совет органларининг ташкилотчилик, сиёсий ишидаги жиддий хатоларнинг натижаси деб ҳисоблансин. Область, шаҳар, район партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ва аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кескин ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кучайиши хавфига етарли баҳо бермадилар, миллатлараро адоватни келтириб чиқаришга, аҳолининг диний ҳис-туйғуларидан вазиятни кескинлаштириш ва беқарорлаштириш учун фойдаланишга интилаётган қайта қуришга зид миллатчилик кайфиятидаги ва порага сотилган кимсаларга тегишли зарба урмадилар. Турк миллатига мансуб айрим шахсларнинг миллатлараро муносабатларни ва кўчиб кетиш кайфиятларини кучайтириш йўлидаги уринишларига чек қўймадилар.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми кўплаб одам ўлдирилиб, уйларга ўт қўйиш ва уларни алғов-далғов этиш, давлат объектларига ҳужумлар қилиш каби тартибсизликларнинг кўлами ҳамда шафқатсизлигидан чуқур ташвиш ва хавотирлик билдиради, партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг оммавий тартибсизликларга чек қўйиш борасидаги сусткашлиги, журъатсизлиги ва саросимага тушиб қолганлигини қоралайди.

Пленум ҳисоблайдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси, Марказий Комитет секретарлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети областда кадрлар, социал-иқтисодий, идеология, миллатлараро ва ташкилий соҳаларда етилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўз вақтида тегишли чораларни кўрмадилар, Фарғона областидаги ишларнинг аҳволи танқиддан холи бўлиб қолганига узоқ вақт мобайнида тоқат қилиб келдилар. Кўпгина партия, совет, хўжалик органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари янгича ишлашга батамом ноқобил эканликларини намоён этишганига республика органлари эътибор бермай келдилар, аммо мана шу раҳбарлар юқори лавозимларни эгаллаб келавердилар, бу эса одамларни ҳаққоний равишда ғазаблантирди, партиянинг обрў-эътиборига путур етказилишига олиб келди.

3. Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига Марказий Комитет комиссиясининг хулосалари асосида ҳар бир область, шаҳар ва районлардаги, меҳнат коллективларидаги маънавий-сиёсий муҳитни таҳлил этиш мажбурияти юклансин. Совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан биргаликда миллатлараро негиздаги тўқнашувларнинг такрорланиш эҳтимолига барҳам берувчи комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин. Вужудга келувчи муаммоларни осойишта ва амалий вазиятда ўз вақтида ҳал этиш юзасидан сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзоларидан доимий иш олиб борувчи ишчи группалари тузилсин.

4. Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда қилган доклади қоидалари ва хулосаларига амал қилиб, ташкилотчилик ҳамда сиёсий иш услуби ва методларини тубдан ўзгартирсинлар, бу ишни омма билан амалий алоқаларга, одамларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини ҳал этишга қаратсинлар. Жамоатчилик фикри муттасил ўрганиб турилсин, одамларга нисбатан бағритошлик билан муносабатда бўлиш, сансалорлик ва бюрократизм ҳолларига социал адолатсизлик кўринишларига дарҳол ва принципиаллик билан муносабат билдирилсин.

Партия ва совет органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйишга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг тўла ҳокимиятини тиклашга ниҳоятда муҳим аҳамият берилсин, уларда ишловчи коммунистларнинг партия иқтисодий, социал ва миллий сиёсати рўёбга чиқарилишидаги роли ҳамда масъулияти оширилсин.

5. Пленум партия комитетларидан, совет, хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг коммунист раҳбарларидан меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, социал адолатни қарор топтириш юзасидан барча чора-тадбирларни кўришни талаб қилади. Квартиралар, енгил машиналар, санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмаларни тақсимлашга доир барча масалалар фақат меҳнат коллективлари ва жамоатчилик томонидан ошкоралик ва демократия асосида ҳал этилиши керак. Аҳолига савдо ва маиший хизматни бутун чоралар билан яхшилаш учун ишчи назорати ҳуқуқлари ва имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш лозим.

6. Кадрлар ишининг услуб ва методлари коллектив раҳбарликка, ташаббус ва мустақилликка, топширилган иш учун юксак даражада жавобгарликка, ишни ҳар томонлама билишга асосланиши учун кадрларни оқилона жой-жойига қўйиш демократик механизм орқали таъминланиши партия комитетларининг асосий вазифаси, деб ҳисоблансин. Кадрларни танлашга анкета — номенклатура йўли билан ёндашишга қатъиян чек қўйилсин. Номзодларни юқори лавозимларга кўтариш меҳнат коллективларида ошкора, кенг муҳокама қилиш ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш йўли билан амалга оширилсин. Лавозимлар бир қанча номзодлар кўрсатилиб, конкурс асосида тайинлансин. Партия, совет органлари ва жамоат ташкилотлари аппаратига ходимлар характеристикалар албатта тасдиқланиб ва эгаллаб турган лавозимидан чиқариб олиш ҳуқуқи билан бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг тавсияларига кўра кўрсатилиши қоида қилиб қўйилсин.

Кадрлар фаолияти назорати кучайтирилсин, уларнинг ишига баҳо беришга кўнгилчанглик қилмай, принципиал ёндашилсин, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва хўжасизликка қарши курашда сусткашликка йўл қўйилмасин.

7. Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қуйидагиларни топширади:

Меҳнат ресурсларидан, моддий ва молиявий ресурслардан янада тўлароқ фойдаланиш, жамиятнинг ақлий ва маънавий қудратини бутун чоралар билан кучайтириш мақсадида республиканинг социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг 1991—1995 йилларга мўлжалланган программаси чуқур ва танқидий таҳлил этилсин;

Республикани регионал хўжалик ҳисобига ва жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга раҳбарликнинг иқтисодий методларига ўтказишни жадаллаштириш, хўжалик ва маданий қурилиш муаммоларини ҳал этишда республиканинг ҳуқуқларидан самарали фойдаланиш ва унинг масъулиятини оширишга доир шошилинч тадбирлар кўрилсин;

Қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг даромадларини кўпайтириш, агросаноат комплекси самарадорлигини оширишнинг моддий омилларини вужудга келтириш ҳамда республиканинг молиявий аҳволини яхшилаш учун пахта, жун, қоракўл, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларининг харид нархларини ошириш юзасидан Иттифоқ органлари билан олиб борилаётган ишлар давом эттирилсин;

Республикада меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини кўпайтиришга, ишсизликни, айниқса ёшлар ўртасидаги ишсизликни бартараф этишга қатъий куч-ғайрат сарфлансин. Шу мақсадда 1989 йилнинг 1 октябрига қадар янги иш жойларини яратиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан фақат иш билан таъминлашни эмас, шу билан бирга ишга муҳтожларни қатъий ҳисобга олишни жорий этишни, иш билан таъминлаш ҳамда ишчи ихтисосларини олишнинг аниқ муддатларини белгилашни кўзда тутувчи 1990—1991 йилларга мўлжалланган республика программаси ишлаб чиқилсин;

Областларни, министрликлар ва идораларни социал-иқтисодий ривожлантириш планлари, хусусан уй-жойлар, социал-маданий соҳа объектлари қуриш, халқ учун товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилиши устидан ҳар томонлама назорат ўрнатиш юзасидан пухта ўйланган система жорий этилсин. Экология жиҳатдан соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, республика областлари ва регионларидаги экология вазиятига салбий таъсир ўтказаётган корхоналарнинг соҳасини ўзгартиришга доир программаларни бажаришда қатъий йўл амалга оширилсин;

Томорқа участкалари ва якка тартибда уй-жой қурилиши учун колхозчиларга, ишчи ва хизматчиларга ерлар монесиз ажратиб берилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин. Шу мақсадда ошкоралик ва демократиялаш вазиятидан кенг фойдаланилсин, жамоатчилик кўплаб жалб этилсин.

8. Республика прокуратураси, Ички ишлар министрлиги, Адлия министрлиги ва Олий суди Фарғона областидаги оммавий тартибсизликлар тўғрисидаги жиноий ишлар оператив равишда ва малакали тергов қилиниб, судда кўриб чиқилишини таъминласинлар. Мана шу тартибсизликларни уюштириш ва ижро этишга дахлдор барча шахслар жавобгарликка тортилсин. Тергов ва суд натижалари тўғрисида республика аҳолисининг кенг кўламда хабардор қилиниши таъминлансин.

Республиканинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жуда қисқа муддат ичида республикадаги маънавий-руҳий вазиятни соғломлаштириш, жамоат тартибини ўрнатиш, оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, талонторожлик, порахўрлик, суиистеъмолчилик каби ва бошқа жиноятларнинг ғаразли турларига қарши курашдаги ишларни кучайтириш чораларини кўрсинлар.

9. Пленум меҳнат ва ўқув коллективларида, аҳолининг истиқомат жойларида ғоявий-тарбиявий ишни қайта қуришни кескин кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Ҳозирги шароитда омма ўртасидаги сиёсий иш масалалари билан идеология кадрларигина эмас, балки барча партия, совет, хўжалик ходимлари ҳам шуғулланишлари шарт. Улар одамларни ишонтира билишлари, ўзларига эргаштира олишлари, омма билан дадил мулоқот қилиб, норозилик кўринишлар ҳамда можароли вазиятларнинг илдизларини чуқур ва эътибор билан билиб олишлари, меҳнаткашлар кўтараётган масалаларни конкрет ва оператив равишда ҳал қилишлари лозим. Бутун партиявий-сиёсий фаолиятда шунга амал қилинсинки, одамларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида машаққатли ишни кучайтирмай туриб, республика олдида турган мураккаб социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас.

10. Миллатлараро муносабатларни соғломлаштиришга оид чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш партия комитетларининг, совет органлари, жамоат ташкилотларининг ғоят муҳим вазифаси, деб ҳисоблансин. Ҳар қандай миллатчилик кўринишларига қатъиян қаршилик кўрсатилсин, миллатлараро адоватни авж олдириш, тўқнашувларни жўрттага келтириб чиқариш йўлидаги уринишларга чаққонлик билан чек қўйилсин, шу мақсадда қонун ва афкор омма кучидан фойдаланилсин. Ғаразли, тор худбинлик мақсадида миллатлараро ихтилофлардан фойдаланишга интилаётган кимсаларга нисбатан муросасизлик вазияти яратилсин. Бундай хулқ-атвор КПСС аъзолигига хилоф деб ҳисоблансин.

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг социал-иқтисодий ҳамда маънавий тараққиёти, эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар таъминлансин. Жуда қисқа муддат ичида талаб-эҳтиёжлар ўрганиб чиқилиб, маданий марказлар барпо этиш, турли миллий гуруҳларнинг тилларида ўқитиладиган мактаблар, синфлар, болалар боғчаларини кўпайтириш, тегишли адабиёт, газеталарни нашр этиш масалалари ҳал қилинсин.

11. Пленум қайта қуриш жараёнида республикада динга муносабатнинг ленинча нормаларини тиклаш, ана шу соҳада тақиқловчи буйруқбозлик чораларидан воз кечишга оид тадбирлар амалга оширилишини қайд этади. Диндорлар билан ўзаро муносабатларда демократиялаш йўлини давом эттириш, айни пайтда диний экстремизм ва ақоидчиликка қаршилик кўрсатилишини йўлга қўйиши лозим бўлган кадрлар ва активларнинг динга нисбатан тилёгламалик қилишига ҳар қандай уринишларига, принципсизлик ва фаолиятсизлигига қатъиян барҳам бериш зарур.

Область, шаҳар, район партия комитетлари жойларда вужудга келаётган диний вазиятни, атеистик пропаганданинг аҳволини чуқур таҳлил этиб, одамлар билан якка тартибда олиб бориладиган ишларни кучайтиришга, уларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга алоҳида эътибор бериб, мавжуд камчиликлар ва четга чиқишларга барҳам бериш юзасидан шошилинч чоралар кўрсинлар. Хатти-ҳаракатлари КПСС Уставига зид бўлган коммунистларга нисбатан алоҳида талабчанлик қилинсин.

12. Фарғонадаги воқеалардан кейин республикадан кетиб қолган месхети туркларининг бу ерга қайтиб келишлари, азият чеккан ҳамма кишиларга етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши учун барча зарур шарт-шароит яратиш партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистонда ҳар қандай миллатга мансуб кишилар осойишта яшашлари ва меҳнат қилишлари учун имкони бўлган барча чораларни кўриш зарур. Совет халқларининг тақдири ҳам, йўли ҳам битта. Пленум республиканинг барча аҳолисига мурожаат қилиб, ҳозирги ва келгуси давр олдида ғоят юксак масъулият кўрсатишга, миллатлараро муносабатларда ва республиканинг социал-иқтисодий ривожланишида тўпланиб қолган муаммоларни дўстлик ва ҳамкорлик асосида ҳал этиш учун барча ишларни қилишга чақиради.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА



31 июль куни эрталаб соат 10 да Олий Советнинг мажлислар залида **А. И. Лукьянов** раислигида ўтган палаталарнинг биргаликдаги мажлисида СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 23 февралидаги «Кооперативлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Фармонини қизғин муҳокама қилиш давом эттирилди.

Депутат **М. Л. Бронштейн** ана шу муаммо юзасидан қонун актларининг мукаммал системаси бўлмаса, ушбу Фармон инсофли кооператорларга айниқса зарба бўлиб тушаверади, деган тахминни айтди. Кооперативлардан бири фаолияти мисолида депутат солиқларнинг юқори ставкаси кўпинча маҳаллий органлар кооператорлардан имкони борича кўпроқ маблағни юлиб олишга интилаётгани билан изоҳланишини исботлашга уринди.

Депутат **Н. Н. Гриценко** ушбу Фармоннинг комиссиялар ва комитетларда қандай муҳокама қилинганини айтар экан, бир қанча конкрет таклифлар киритди. Шундай тартиб ўрнатайликки, бюджетга тўланаётган даромад солиғи меҳнат ва социал-маданий тараққиётга ҳақ тўланадиган ягона фонддан олинадиган бўлсин, деб таъкидлади нотиқ.

Депутат **Т. П. Буачидзе** Совет маданият фонди қошида ишлайдиган кооперативларни солиқ тўлашдан озод қилишни ва ана шу маблағларни Совет маданият фонди ва унинг республика бўлимларига ўтказишга рухсат беришни таклиф этди.

Кооператив ҳаракати ғоясининг ўзи ижобийдир, деди депутат **В. Н. Степанов**, аммо воқелик бошқача намоён бўлмоқда. У кооперация тўғрисидаги қонунни кескин танқид қилди ва уни қайта кўриб чиқишни таклиф этди.

Шуни ошкора эътироф этиш лозимки, деди депутат **И. А. Забродин**, кооперация тўғрисидаги қонунда асос қилиб олинган ғоя рўёбга чиқмади. Аҳолининг камёб товарлар ва хизматлар билан бозорни мўл-кўл таъминлашга бўлган умиди оқланмади. Сайловчиларнинг кўпдан-кўп шикоятлари ана шундан далолат беради.

Кооперативлардаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиш чоғида, деди депутат **В. А. Тихонов**, ҳиссиётга берилмай, балки сергаклик билан таҳлил қилиш зарур. У солиқ — ривожланиш воситаси эканлигини таъкидлаб, солиқ солиш механизмига батафсил тўхталди. Нотўғри ечимлар ишлаб чиқариш кооперативлари, жумладан давлат корхоналарига нисбатан бир неча баравар самаралироқ ишлаётган қурилиш кооперативлари тугатилишига олиб келиши мумкин. Фармон қарши қўйилган чайқовчилик фаолияти кўринишларидаги кооперативлар эса захира экономикага ўтиб, ўз даромадини сақлаб қолмоқда. Бизда даромад ҳажмини, ишлаб чиқариш қолдиқлари миқдорини ҳисобга олиши мумкин бўлган профессионал солиқ инспекцияси йўқ.

Депутат **Ю. Т. Комаров**нинг фикрича, кооперация тўғрисидаги қонунга тузатишларда давлат нархлари билан ишлаётган ишлаб чиқариш, қурилиш ва бошқа кооперативлар қатъиян қўллаб-қувватланиши ҳамда чайқовчилик ва унинг асосида янги совет миллионерлари пайдо бўлиши учун шарт-шароитни тугатишга ана шундай интилиш ҳамда қатъиян қўллаб-қувватланиши мустаҳкамлаб қўйилмоғи зарур. Бунинг учун, дейди нотиқ давлат нархлари билан ишлайдиган кооперативларга энг кўп даражада қулай шароит режимини вужудга келтириш: уларга ана шундай давлат корхоналари билан баб-баравар моддий-техника таъминоти шароитини яратиб бериш, солиқлар ставкаси миқдорини бараварлаштириш лозим.

Депутат **Н. И. Травкин** ўзидан олдин сўзга чиққан нотиқнинг таклифларини қўллаб-қувватлади. Аммо биз, деб таъкидлади у, фақат кооперативларни қутқариб қоладиган тадбирлар билан чеклана олмаймиз. Бутун экономикани соғломлаштириш учун жиддий ечимлар зарур. Энг муҳими — корхоналарнинг чинакам мустақиллигига эришишдир. Ҳозирги пайтда шахтёрлар учун амалга оширилган имтиёзлар бутун мамлакат учун бўлиши ғоят зарурдир.

Солиқ солиш системаси мамлакатда етук кооператив ҳаракатини ривожлантиришга энг кўп даражада кўмаклашиши даркор, деди депутат **С. С. Алексеев**. Демак кооперативларга қарши курашиш керак эмас, балки давлат корхоналарини кооперация даражасига кўтариб, уларга энг кўп даражада ёрдам бериш лозим.

Депутат Фармонни тасдиқлаш керак, деган фикрни айтди, чунки уни тасдиқламаслик кооператив секторни издан чиқаради. Бироқ деб таъкидлади у, Фармонни тузатишлар билан бирга тасдиқлаш лозим.

Кооперативларга нисбатан солиқ сиёсати бекамикўст бўлиши даркор, дейди депутат **В. И. Кисин**. Маҳаллий Советлар, деди у, кооперативлар ишлаб чиқараётган маҳсулот нархини назарда тутиб, вақтинча баъзи кооперативлардан олинадиган солиқни камайтиришлари ёки ҳатто уларни солиқдан озод қилишлари мумкин. Давлат нархлари асосида ишлайдиган кооперативлар имтиёзга эга бўлишлари керак.

Темир йўл транспортида, деб маълум қилди депутат **А. Н. Василец**, ғоят мураккаб вазият вужудга келмоқда. 1 августгача қатъий талаблар қўйилди, талабларнинг анча қисми шахтёрларнинг талабларига ўхшашдир, бироқ бир талаб муҳокама қилинаётган мавзуга тааллуқлидир. Одамлар биз орзу қилган кооперативлар билан ҳозир мавжуд кооперативлар ўртасидаги фарқни танқид қилмоқдалар. Бунинг сабаби — қонунларнинг мукаммал эмаслигидир. Биз чайқовчиликка қонун билан йўл қўйиб қўйдик ва бу меҳнаткашлар ҳамёнига зарар келтирмоқда.

Депутат **В. П. Лукин** кооперативларнинг фикрини назарда тутиб, солиқ солишнинг янги системасини кооперация тўғрисидаги қонунга зид деб атади, кооперативларнинг давлат корхоналари билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга даъват этди. Сўнгги Фармонларнинг чиқарилиши, деди у, кооперация ғоясининг ўзига зиддир, шунинг учун унга йўл қўйиб бўлмайди. Халқ хўжалигини ривожлантиришга реал ҳисса қўшаётган ва давлат нархлари асосида ишлаётган кооперативларга имтиёзлар берилиши лозим.

Бугун гап Фармонни шунчаки тасдиқлаш тўғрисида эмас, балки биз мазкур Фармон ёрдамида экономиканинг янги тармоғини сақлаб қоламизми ёки уни тақиқлаб қўямизми, ана шу ҳақда боряпти, деган фикрни билдирди **А. А. Собчак**.

(Давоми иккинчи бетда).

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Хитой Халқ Республикаси Синьцзян—Уйғур автоном райони (СУАР) делегацияси республика ҳукуматининг таклифига биноан Ўзбекистонга келди. Делегацияга СУАР халқ ҳукумати раисининг ўринбосари Хидирбой бошчилик қилмоқда.

Делегация аъзоларини 1 августда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров қабул қилди. У иттифоқдош республикаларнинг қардошлик оиласида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва социал ривожланиши, қайта қуришнинг бориши тўғрисида гапириб берди. Иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни тўла нормаллаштириш учун, СССР билан ХХР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун М. С. Горбачевнинг Хитойга расмий ташрифининг, унинг ана шу давлат раҳбарлари билан суҳбатларининг муҳим аҳамияти таъкидланди.

Иккала томон Ўзбекистон ССР билан СУАР ўртасида ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли негизда иқтисодий, савдо, илмий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш зарурлиги ва бунга тайёр эканлигини таъкидлади.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов қатнашди.

Шу куни меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, Р. Р. Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига бордилар.

(ЎзТАГ).

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

Ўзбекистонда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномасини муҳокама қилишга бағишланган митинглар ва йиғилишлар давом этмоқда.

● — Мурожаатнома кўп миллатли коллективимиз ҳар бир аъзосининг кўнглида акс-садо бермоқда, — деди В. И. Ленин номли Урганч тикувчилик фабрикаси партия бюросининг секретари Р. Оллоберганова корхонада бўлган митингда сўзга чиқиб. — Месхети турклари бошига тушган кулфат келажак ҳақида обдон ўйлаб кўришга даъват этади. Бегуноҳ жабрдийда ҳар бир одам эртами-кечми ўз юртига, туғилиб ўсган ерига қайтиб келиши керак, деган фикрни биз қўллаб-қувватлаймиз.

Тикувчи моторист, комсомол аъзоси Н. Рўзметова, дазмолловчи В. Задурина, фабриканинг бош инженери К. Машарипова ва бошқалар Фарғонада содир бўлган фожиа ва унинг оғир оқибатларини бартараф этиш йўллари тўғрисида ташвишланиб гапирдилар.

● Ғалаба районидаги Киров номли колхозда очиқ партия йиғилиши бўлди. Бу хўжаликда партия комитети ҳузурида миллатлараро муносабатлар комиссияси тузилган. Ушбу комиссияга меҳнат ветеранлари, байналмилал-жангчилар, коллективдаги энг ҳурматли кишилар киришган.

— Колхозда 12 миллатга мансуб кишилар яшаб, меҳнат қилишмоқда, — деди партия комитетининг секретари К. Чинибеков. — Ўзбеклар, руслар, корейслар, қрим татарлар, немислар ва бошқалар шулар жумласидандир. Хўжалигимиз бадавлат, йигирма йилдан бери ўзимизни ўзимиз маблағ билан таъминлаб ишламоқдамиз. Давлатдан бир тийин ҳам қарз олаётганимиз йўқ. Аммо Фарғонадаги воқеалар ишимизга янгича назар солишга мажбур этди. Шунинг учун ҳам умумий йиғилишда ҳаракатларимиз программасини ишлаб чиқишга қарор қилдик.

Коммунистлар конкрет, амалий таклифларни айтишди:

С. Қаландаров, тракторчи: миллатлараро муносабатлардаги кескинлик иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқариши равшан. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ўз иш жойимизда ғайрат билан меҳнат қилишимиз керак. Чунки колхознинг иқтисодий фаровонлиги ҳар биримизнинг меҳнатимизга боғлиқдир.

А. Муртазоева, бош иқтисодчи: кўпчиликнинг фикрича, кенг кўламдаги демократиялаш ва ошкоралик туфайли миллатлараро муносабатлар кескинлашган эмиш. Аслида бундай эмас. Етилган муаммолар неча ўн йиллар ҳал этилмай қолаверди. Масалан, қозоқларни оладиган бўлсак, хўжалигимизда улар кўп. Аммо райondаги китоб магазинларида қозоқ тилида китоблар сотилмайди, қозоқ тилида ўқитиладиган мактаблар ҳам йўқ. Буни тўғри деса бўладими?

Йиғилиш қатнашчилари Мурожаатномани чин кўнгилдан қўллаб-қувватладилар, аҳоли ўртасида ташвиқот ишини кучайтириш, бу йиғин топшириқларини бажариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладилар.

● Жиззахдаги 1-бинокорлик материаллари комбинати цехларида митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтди.

— Бундай йиғинларда неча ўнлаб одамлар сўзга чиқишиб, дўстлик коллективга қайта қуриш йўлида меҳнат қилишда ёрдам бераётганини айтишди, — деди партия комитетининг секретари Г. Исаева. — Биз ҳаммамиз биргаликда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формаларини жорий этмоқдамиз, шартномавий мажбуриятларни бажармоқдамиз.

Митинглар ва йиғилишларда қабул қилинган резолюцияларда биз фақат елкама-елка туриб яхшироқ ишлашимиз, демакки яхшироқ яшашимиз мумкин, деб таъкидланди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи билан республикамиздаги бошқа миллатлар дўстлиги мустаҳкамланиши ҳамда қайта қуришга ва жамиятни демократиялашга кўмаклашиши керак.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Депутат **А. И. Оляков** Фармоннинг кооперативларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги қисмига тузатиш киритишни таклиф қилди. Пенсионерларни меҳнат қобилияти чекланган шахслар қаторида айтиб ўтиш керак. Нотиқ буни пенсионерларнинг катта отрядини баҳоли қудрат меҳнат фаолиятига жалб этиш заруратини тақозо қилмоқда, деган фикрни билдирди.

Депутат **А. Я. Неумывакин** инвалидларнинг жамоат ташкилотлари муаммоларига тўхталди. Инвалидларнинг кооператив ҳаракатида иштирок этишлари меҳнат қобилиятини тиклаш шаклларидан биридир. Нотиқ ишонч билдириб айтдики, ҳозир инвалидларга ҳамдардлик билдиришдан кўпроқ уларнинг социал аҳволини яхшилашга қаратилган фаол ҳаракатлар керак. Шу муносабат билан нотиқ инвалидларнинг жамоат ташкилотларини солиқ солишдан, даромад солиғидан озод қилишни, ана шу маблағлар уларнинг эҳтиёжларига батамом сарфланишини таклиф қилди.

Депутат **Е. Д. Дога** кооперативларнинг маданият соҳасидаги фаолияти тўғрисида гапириб, бир қанча ҳолларда бу ҳаракат беўхшов тус олаётганлигини таъкидлади. Жумладан концертларни ташкил этиш билан шуғулланувчи кооперативлар билан боғлиқ масалалар жиддий ўрганилиши ва пухта ишлаб чиқилиши зарур. Мана шу кооперативлар белгилаётган нархлар шу қадар юқорики, ёшлар, студентлар концертларга туша олишмайди, бу эса ёш авлодни тарбиялашга асло кўмаклашмайди. Депутат Фармонни қабул қилишни, аммо парламентнинг кузги сессиясида жамоатчилик фикрини эътиборга олиб тегишли тузатишлар киритишни таклиф қилди.

Депутат **С. А. Магомедов** ўз сайловчиларининг телеграммасини ўқиб эшиттириш учун минбардан фойдаланди. Телеграммада кўпгина кооперативларнинг фаолияти қаттиқ танқид қилинади. Меҳнаткашлар кооперативларнинг фаолияти нархнавонинг ошиб кетишига, чайқовчиликнинг кучайишига, захира экономиканинг ривожланишига имконият яратмоқда, деб уларни айбламоқдалар.

СССР адлия министри **В. Ф. Яковлев** мунозаранинг боришини юридик нуқтаи назардан шарҳлаб берди. У депутатларнинг диққат-эътиборини Фармон кооперация тўғрисидаги қонуннинг моддаларига хилоф эмаслигига қаратди. Бу Фармон қонунга мувофиқ тузилган дастлабки актдир.

Пайшанба куни ушбу масала хусусида сўзга чиққан депутат **А. А. Коршунов** яна сўз олади. У сайловчиларнинг кооператив ҳаракатдаги ҳаддан ошишлардан қаҳр-газаби изҳор этилган хатини ўқиб эшиттириб бундай деди: биз дуч келган вазият фавқулодда вазиятдир. Мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий барқарорлик бизни қандай овоз беришимизга боғлиқ бўлади.

А. И. Лукьянов мунозарага якун ясади. Депутатларнинг кўпчилиги, деди у, Фармонни бир қанча фикр-мулоҳазалар ва аниқликларни ҳисобга олиб қабул қилиш кераклигини ёқлаб чиқмоқдалар. Қонунчилик, қонуний-лик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига бошқа комитетлар ҳамда комиссиялар билан биргаликда барча таклифларни қўшимча равишда пухта ишлаб чиқиб, ушбу сессия охиригача Фармоннинг узил-кесил лойиҳасини тақдим этишни топшириш керак. Айни вақтда СССР Министрлар Советига кооперация тўғрисидаги қонунга киритиладиган тузатишларни, солиқ инспекцияларини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар системасини ҳамда чайқовчиликка, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан чайқовчилик қилишга қарши курашга доир фавқулодда чоралар системасини ишлаб чиқиш, СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида тақдим этишни топшириш лозим.

Кўпчилик овоз билан депутатлар ана шу фикрларга қўшиладилар.

Раислик қилувчи ушбу сессияда «СССРнинг Қонун актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги СССР Қонуни лойиҳасига киритилган барча Фармонлар кўриб чиқилганлигини маълум қилади.

У баъзи Фармонлар тасдиқлаш чоғида уларга айрим ўзгартишлар киритишга қарор берилганлигини таъкидлади. Бундан ташқари комитетлар билан комиссияларга «Байрам ва хотира кунлари тўғрисидаги Қонунга ўзгартиш киритиш ҳақида», «Кооперативлардан даромад солиғи олиш тўғрисида» ва «СССРнинг чет эллардаги савдо ваколатхоналари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Фармонларни яна бир бор кўриб чиқиш топширилди.

Депутат **А. С. Дзасохов** СССРнинг чет эллардаги ваколатхоналари тўғрисидаги Низомни депутатлар ва манфаатдор ташкилотлар билан маслаҳатлашувлардан сўнг тузатишларни эътиборга олиб кўриб чиқишни таклиф қилди.

Унинг таклифларини муҳокама қилишда СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри **К. Ф. Катушев**, депутатлардан **В. С. Подзирук, С. М. Рябченко, С. А. Ципляев** ва бошқалар қатнашдилар.

Ушбу масалани кўриб чиқишга яна қайтишга қарор қилинди.

Юқорида айтиб ўтилган учта Фармонни чиқариб ташланган ҳолда қонун лойиҳаси овозга қўйилади.

Қонун ўзгартиш ва қўшимчалари билан палаталарда алоҳида-алоҳида овозга қўйилиб, кўпчилик томонидан қабул қилинади.

Сўнгра депутатлар «Давлат жиноятлари учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР қонунига ҳамда СССРнинг бошқа баъзи қонун актларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 8 апрелдаги Фармонини тасдиқлаш тўғрисида»ги СССР қонуни лойиҳасини кўриб чиқишга киришадилар. Депутатлардан **С. С. Алексеев, Н. Н. Медведев, С. А. Ципляев, Ф. М. Бурлацкий, Д. Н. Кугультинов, А. А. Денисов** бошқалар қонун моддаларининг таҳririни ойдинлаштиришга қаратилган бир қанча таклифлар киритишди.

Сессия мазкур қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиққан комитетга танаффус вақтида айрим моддаларнинг таҳririни ойдинлаштириш учун яна йиғилишни ва шундан сўнг муҳокамага қайтишни таклиф этди.

Депутат **Ю. С. Шчапов** маълумот бериш учун сўз олади. У Красноярск ўлкасининг жанубида, Хакасияда вужудга келган вазиятдан ташвиш билдирди. Шахтёрларнинг эмас, бошқа тармоқларнинг вакиллари ҳам иш ташлаш усули билан ўз муаммоларига эътиборни қаратишга уринмоқдалар. Халқ қайта қуриш секин бораётганлигидан, марказий бошқарув аппаратини министрликлар ва идораларни қайта ташкил этиш пайсалга солинаётганлигидан норозидир, деб таъкидлади депутат. Одамлар меҳнаткашларнинг айрим гуруҳлари — давлат корхоналари ҳамда кооперативларнинг ходимлари ўртасида социал неъматлар адолатсиз тақсимланаётганлигидан ғазабланмоқдалар.

Депутат **М. Г. Вульфсон** минбарга чиқади. У ҳозир бўлган кишиларга Латвия Олий Советининг ўтган ҳафта охирида бўлган сессиясининг қарорлари тўғрисида ахборот берди, ана шу қарорларни тарихий қарорлар деб атади. Депутат шуни таъкидладики, Латвия давлат суверенитети тўғрисидаги декларация ҳамда хўжалик ҳисоби ва иқтисодий мустақилликка ўтиш ҳақидаги қарор якдиллик билан қабул этилганлиги СССР Олий Советининг сессиясида Болтиқ бўйи республикаларининг экономикани, хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилган куч-ғайратларини маъқуллаган ҳужжатлар қабул қилинган бир вақтга тўғри келди.

Кечки мажлисда ҳар иккала палатанинг депутатлари киритилган тузатишларни ҳисобга олиб палаталар алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан СССР Олий Совети Президиумининг «Давлат жиноятлари учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 1989 йил 8 апрелдаги Фармонини ҳамда СССРнинг бошқа бир қанча қонун актларини тасдиқладилар.

Ушбу масала юзасидан Миллатлар Советининг Раиси **Р. Н. Нишонов** доклад қилди.

Демократиялаш, ошкоралик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш шароитида қабул қилинадиган норматив актлар тўғрисида ўз вақтида, тўла ва ишончли ахборот бериш алоҳида аҳамият касб этади, деди у. Чунки давлат ҳокимияти олий органларининг қарорларида, қонун актларида совет халқининг ҳоҳиш-иродаси ўз ифодасини топади, қайта қуриш жараёнида иқтисодий, сиёсий ва социал-маданий ўзгартишларни амалга ошириш вазифалари, йўллари ва воситалари белгиланади. Омманинг ташаббуси ва ижоди, совет гражданларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари янада тўлароқ рўёбга чиқарилиши мумкин бўлган ҳуқуқ-тартибот ўрнатилади.

Халқ депутатлари съездига, СССР Олий Совети биринчи сессиясига тайёргарлик ва уларнинг ўтказилишини телевидение ва радио орқали ёритиш жаҳон парламент практикасида ноёб, мисли сўз оширалик ҳолатидир. Телетомошабинлар ва радио эшитувчилар сессиянинг ёритилишини умуман ижобий баҳоламоқдалар ҳамда телевидение ва радио бундан буён ҳам ана шу ишни давом эттириши зарурлигини айтмоқдалар.

Вақтли матбуотда съезд, СССР Олий Совети сессиясининг фаолияти кенг ёритилди. Бу воқеа ўз аксини топмаган бирорта ҳам нашр бўлмади дейиш мумкин.

Бугунгача съезд ва сессия махсус бюллетенларининг 64 та сони босмадан чиқарилди. СССР халқ депутатлари съездининг иши тўғрисидаги стенографик ҳисоботни босмага тайёрлаш бошланди. СССР Олий Совети биринчи сессиясининг стенографик ҳисоботини ҳам босиб чиқариш мўлжалланмоқда. СССР Олий Советининг, унинг палаталари комитетлари ва комиссияларининг мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан Олий Советнинг матбуот маркази ташкил этилмоқда. Марказ мунтазам равишда совет ва чет эл журналистлари учун брифинглар, матбуот конференциялари ва бошқа тадбирлар ўтказиб туради.

Халқ депутатлари съезди ва Олий Советнинг фаолиятини матбуотда келгусида ёритиш юзасидан конкрет ва муҳим тадбирлар тайёрланмоқда. Олий Совет ва унинг органлари фаолиятини ёритиш, шу мақсадда махсус ахборот-ҳисоблаш системасини яратишга оид дастлабки қадамлар қўйилди. Бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий ахборот доирасини, Совет давлати қонунларини билишни кенгайтириш имкониниг бериб, мамлакатда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

СССР қонунлари ва съезд нинг, Олий Советнинг бошқа ҳужжатлари албатта СССР Олий Советининг барча иттифоқдош республикалари тилларида чиқариладиган «СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг ведомостлари»да, шунингдек «Известия» газетасида босиб чиқарилади. Улар радио ва телевидение орқали эълон қилинади. Шу тариқа қонунлар мамлакатимизнинг ҳар бир гражданига маълум бўлади. «Ведомостлар»да халқаро шартномалар, бошқа ҳужжатлар, СССР Олий Совети Раисининг фармойишлари ҳам эълон қилинади.

Муҳим қоида-қонунларнинг кучга киритилиши уларнинг эълон қилиниши билан боғлангандир. СССР қонунлари «Ведомостлар»да ёки «Известия» газетасида эълон қилингандан кейин орадан 10 кун ўтгач агар уларни қабул қилиш чоғида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, мамлакатнинг бутун территориясида бир вақтнинг ўзида кучга киритилиши кўзда тутилади.

СССР Олий Совети Президиумининг умумий аҳамиятга молик бўлмаган актлари эълон қилинмаслиги, балки улар тааллуқли бўлган муассасалар ёки шахсларга маълум қилиниши мумкин.

Съезднинг ва СССР Олий Советининг расмий нашри бўлган «Ведомостлар»да актлардан ташқари съезд, Олий Совет, унинг палаталари, комиссиялари, комитетлари ва президиумнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот ҳам эълон қилинади. «Ведомостлар» барча СССР халқ депутатларига тарқатилади.

Раислик қилувчи **Е. М. Примаков** қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси **С. С. Алексеевга** қўшимча доклад қилиш учун сўз беради.

У муҳокама қилинаётган қонуннинг муҳимлигини, унинг ҳуқуқий давлатимиздаги ролини таъкидлар экан, аслида мазкур ҳужжат Олий Совет орқали ўтадиган қонунларнинг яшашини белгилаб беради, деб уқтирди.

Комитетимиз қонун лойиҳасини принцип эътибори билан маъқуллайди, уни қабул қилишни тавсия этади, деди у.

Депутатлардан **К. Д. Лубенченко, С. С. Алексеев, Е. М. Примаков, А. И. Лукьянов** муҳокама қилинаётган масала хусусида таклифлар, фикр-мулоҳазалар айтдилар ва изоҳлар бердилар.

Палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз берилиб, қўшимчалар киритилиб, кўпчилик овоз билан «СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва уларнинг органлари қабул қиладиган СССР қонунлари ва бошқа актларни эълон қилиш ва уларнинг кучга киришн тартиби тўғрисида» қонун қабул қилинди.

Раислик қилувчи СССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари вакант лавозимига **Т. Б. Чилебаев** номзодини муҳокама қилишни депутатларга тавсия этди.

СССР халқ контроли комитети раиси **Г. В. Колбин** СССР халқ депутати бўлган номзодни таърифлади.

Т. Б. Чилебаев халқ контроли органлари олдида турган вазифалар хусусида ўз нуқтаи назарини қисқача баён қилди.

Сессия кўпчилик овоз билан Т. Б. Чилебаевни СССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Кечки мажлис депутатлар ўртага қўйган айрим масалаларни муҳокама қилиш билан якунланди. Депутат **В. С. Подзирук** прописка бўлмаса, ишга кириш мумкин эмаслиги, ишга кирмай туриб эса пропискадан ўтиб бўлмаслиги ва бу кўпчиликка дахлдор муаммо эканлиги тўғрисида гапирди. Бу вазият айниқса ҳарбий хизматчилар оилалари учун ўткир бўлиб турибди. Ушбу муаммони ҳал этиш керак, деди нотиқ.

Депутатлар регионлараро группасининг 29—30 июль кунлари бўлиб ўтган мажлиси ҳақида депутат **Б. Н. Ельцин** ахборот берди. У ана шу группани тузиш сабаблари ҳақида гапирди, мазкур группа номидан маҳаллий Советларга бўлажак сайлов ва СССР халқ депутатлари съездига тайёргарлик билан боғлиқ таклифларни тақдим этди.

Депутат **В. К. Фотеев** регионлараро группа позицияси хусусида бир қанча шўҳалари борлигини айтди. У халқ депутатлари ҳаракатининг бирлигига даъват этди ва ана шу группа мавжуд бўлишининг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида яна бир карра ўйлаб кўришни таклиф қилди. Депутатлар комитетлар ва комиссиялар составида фаолроқ ишлашлари лозим, деб уқтирди у.

Депутат **И. Х. Райг** сессияга деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик кооперативлари вакилларининг Москва яқинида бўлиб ўтган конференцияси якунлари тўғрисида ахборот берди, ушбу анжуман қатнашчиларининг СССР Олий Советига мурожаатномасини ўқиб эшиттирди.

Депутат **Б. Т. Палагнюк** депутатларнинг регионлараро группасини ташкил этиш ғоясига қўшилмаслигини айтди. У депутатлар вақти ва халқ маблағларидан имкони борича самарали фойдаланиш лозимлиги ҳақида сўзлади, унинг фикрича, халқ депутатларининг асосий вазифаси жамият олдида турган социал масалаларни собитқадамлик билан ҳал этишдан иборатдир.

Депутатлар регионлараро группасининг мақсади ҳокимиятни қўлга киритиш ёки бўлиб юбориш деб ҳисоблаш хато бўлур эди, деди депутат **Н. С. Сазонов**. Группанинг мақсади битта. У ҳам бўлса мамлакатдаги вазиятни яхшилик сари тубдан ўзгартиришдир. Группа партия сиёсатини батамом қўллаб-қувватлаб, шу сиёсатни амалга ошириш юзасидан фақат ўз методларинигина таклиф қилмоқда.

Депутат **Р. А. Медведев** ўз шубҳаларини айтди. У медицина атамаларидан фойдаланиб, мамлакатимиз тайёрлиқини бошидан кечирмоқда. консерватив қарорларга ҳам ва жарроҳнинг аралашувига ҳам муҳтож эмас, мамлакатга жадал муолажа зарур, деди. Халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини чақириш масаласига тўхталиб, бу мамлакатдаги аҳволни беқарорлаштиришни мумкин, деб хавотирланаётганини айтди. «Демократик ҳаракатни жуда толиқтириб қўядиган бўлсак, паровоз издан чиқиб кетиши мумкин». — деб таъкидлади депутат.

Депутат **А. М. Мезенцев** бўш темир йўл вагонлари етишмаётганлиги туфайли Қозоғистон халқ хўжалигида танг аҳвол содир бўлганлиги муносабати билан Қозоғистон СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида қабул қилинган СССР Олий Советига мурожаатномани ўқиб эшиттирди.

Депутат **В. И. Огарок** регионлараро группа фаолиятига қўшилмаётганлигини айтди. Бундай ажралиб кетиш қандай оқибатларга олиб келиши номаълум, деди у. Олий Совет ана шу группага муносабатини белгилаб олиши керак.

Депутат **А. М. Оболенский** экология комитетининг топшириғига кўра Киришига сафари ҳақида ахборот берди. Нотиқ ана шу райондаги мураккаб экологик вазиятга барҳам бериш учун Олий Советни қарор қабул қилишга даъват этди. У кам таъминланган оилалар муаммолари хусусида депутат сўровини ҳам ўқиб эшиттирди.

Халқ депутатларининг асосий вазифаси мамлакатни оғир аҳволдан чиқаришдир, деб таъкидлади депутат.

В. А. Мартиросян, Регионлараро группа позицияларига тўхталиб, у депутатларнинг ажралиб кетишига қарши эканлигини айтди, оқилона йўл тутишни, ҳамма биргаликда амалий ечимларни қидиришни таклиф этди, депутатларни ўзаро ҳурматга даъват этди.

Мажлис тугади.

1 август куни сессия ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

КИТОБЧА ЧИҚАРИЛДИ

«Партия ишини қайта қуриш — шу кунниинг энг муҳим вазифаси. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари биринчи секретарларининг КПСС Марказий Комитетида 1989 йил 18 июль куни бўлган кенгаши» китобчаси босмадан чиқди.

Китобча Сиёсий адабиёт нашриёти томонидан тайёрланиб, «Красный пролетарий» босмахонасида нашр этилган. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

УРТОҚ Е. А. ШЛЕЙКИНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Театр санъатини ривожлантириш, бадиий жиҳатдан юксак ёркин образлар яратишдаги хизматлари, ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантиришдаги фаол иштироки учун А. П. Чехов номли Самарқанд рус драма театри артисти — республикада хизмат кўрсатган артист ўртоқ Евгений Александрович Шлейкинга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» Фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 25 июль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг шу йил июль ойидаги Фармонлари билан республика социал-иқтисодий тараққиёти вазифаларини ҳал этишдаги хизматлари, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва қайта қуришда фаол иштирок этганликлари учун алоҳида ўрнак кўрсатган меҳнаткашлардан тўрт кишига хизмат кўрсатган саноат ходими, икки кишига хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, тўрт кишига хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, икки кишига хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, 12 кишига хизмат кўрсатган маданият ходими, бир кишига хизмат кўрсатган бинокор, уч кишига хизмат кўрсатган архитектор, икки кишига хизмат кўрсатган экономист, бир кишига хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Фахрий унвонлари ва бошқа Фахрий унвонлар берилди; 18 ходим Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг шу масала хусусидаги Фармонлари ва хабарлари «Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомостлари»да, шунингдек областлар ва Тошкент шаҳри газеталарида эълон қилинади.

Дунё воқеалари

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

● **МАПУТУ ФРЕЛИМО партиясининг бешинчи съездн бугун Мапутуда партия марказий комитетининг янги составини сайлаш билан тугади.**

160 кишидан иборат марказий комитетнинг биринчи пленумида Жоаким Алберту Чиссано яна ФРЕЛИМО партиясининг раиси қилиб сайланди. Марказий комитетнинг 12 кишидан иборат янги сиёсий бюроси ҳам сайланди. Бундан ташқари партия марказий комитети секретариати ва партия контрол комитетига ҳам сайлов бўлиб ўтди.

● **ТОКИО. «Сайёрамизни ядро қуролидан холи қилиш, қуролсизланиш ва тинчлик учун» — ана шундай шиор остида бугун Япония пойтахтида урушга қарши халқаро конференция очилди.**

Уч кун давом этадиган бу анжуман ядро қуролини таъқиқлаш учун курашувчи Япония миллий конгрессининг ташаббуси билан 6 августда нишонланадиган Хиросимага Америкаиинг атом бомбаси ташланганининг 44 йиллиги арафасида ўтказилмоқда.

Конференция сўнгра Хиросима ва Нагасакида давом эттирилади.

● **БОННГамбург яқинидаги Нойенгамм, Берген-Бельзен, Мюнстер, Брайтенау, Флоссенбург, Дахау — ана шу жойлар нацистларнинг собиқ камоқ лагерлари билан боғлиқ.**

ГФР ёш антифашистлари эстафетаси ана шу шаҳарлар орқали ўтди. Улар бу ерда тўхтаб, ўзларининг Мюнхен яқинидаги собиқ Дахау «ажал лагери» территориясида планета йигит ва қизларининг учрашуви ўтказиладиган халқаро марказ барпо этиш ғоясига кўп одамларни жалб қилдилар, ўзларининг ҳамфикрларига айлантирдилар. Икки ҳафта ичида мамлакатнинг шимолидан жанубн томон минг километрга яқин йўлни босиб ўтган ГФР демократик ёшлари вакилларининг асосий хизмати ана шундай.

Марказ ташкил этиш тўғрисидаги даъватномага 4 мингдан ортиқ имзо тўпланганлиги ана шундан аққол далолат бериб турибди. Ҳужжат Дахау шаҳри бургомистри Руди Шмидтга топширилди.

● **МЕХИКО. Марказий Америкадаги можаронинг давом этиши кенг миқёсли, шу жумладан ядро қуроли қўлланиладиган урушнинг авж олишига сабаб бўлиши мумкин.**

Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи врачлар» ташкилоти аъзоларининг Мексикадаги Тапачула шаҳрида бўлиб ўтган учрашувининг якунловчи резолюциясида ана шундай дейилган.

Анжуман қатнашчилари Марказий Америкада чет мамлакатларнинг аралашувини дарҳол тўхтатишни ёқлаб гапирдилар.

Марказий Америка ва Кариб ҳавзасидаги ўн мамлакат врачлари анжуманининг регионал можарога дарҳол чек қўйишни талаб қилувчи якунловчи ҳужжатини бир ҳафтадан кейин Тегусигальпада бўладиган Марказий Америкадаги беш мамлакат президентлари кенгаши номига юборишга қарор қилдилар.

● **ЛУСАКА. Замбиянинг ғарбий вилоятидаги Каома округида терлама касаллиги тарқалиб, икки мактаб ўқувчиси ҳалок бўлди ва 1500 нафардан кўпроғи касалхоналарга ётқизилди.**

Маҳаллий ҳокимиятнинг қарори билан округдаги барча мактаблар ва бошқа болалар муассасалари ёпиб қўйилди, қаттиқ карантин эълон қилинди. Округнинг бош врачи «Замбия дейли мейл» газетаси мухбири билан суҳбатда айтишича, ўқув юртлари санитария ҳолатининг ёмонлиги оқибатида касаллик тарқалишига сабаб бўлган. Ҳозир беморларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

(ТАСС).

БИРИНЧИ ФЕСТИВАЛЬ ОЧИЛДИ

МЕХИКО. ТАСС мухбири Алексей Кравченко хабар беради: Мексика пойтахтида Мехико шаҳрининг биринчи фестивали очилди. Бу байрамда қатнашиш учун жаҳоннинг энг катта шаҳрига дунёдаги кўп мамлакатлардан неча ўнлаб театр ва хор коллективлари, рақс ансамбллари ва оркестрлар келишди.

Бир неча ҳафта мобайнида Мексика томошабинлари ҳузурида Венесуэла, Колумбия, Аргентина, СССР ва АҚШдан келган театр труппалари, Коста-Рика ва Кубадан келган эстрада коллективлари, Исроилдан келган симфоник оркестр, шунингдек Мексиканинг кўпгина штатларидан ташриф буюрган 23 та театр труппаси томоша кўрсатади.

Совет Иттифоқи номидан Анатолий Васильев раҳбарлигидаги драма санъати Москва театр мактаби қатнашмоқда. Совет театри репертуарида Луижи Пиранделлонинг «Пьесанинг олти қаҳрамони муаллифни қидирадн» деган классик пьесаси бор.

Кенжа Жексон Москвага келади

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Москвада бўладиган музика фестивалида қатнашиш мен учун катта шарафдир. Менга сўзлаб беришларига қараганда, рус қизлари америкаликларга жуда ўхшаб кетишар экан, аммо, ҳарқалай, мен бироз ҳаяжонланиб турибман, деди америкалик машҳур хонанда 26 ёшли Ла Тойа Жексон.

Америкада жуда машҳур бўлиб кетган қўшиқчи Майкл Жексоннинг кенжа синглиси бўлган Ла Тойа Москвада бўладиган тинчлик халқаро фестивалида қатнашади, деди унинг менежери Жек Гордон. «Москва — Токио — Вашингтон» деган умумий ном билан бўладиган концертлар Совет тинчлик комитетининг иштирокида ташкил этилган.

Ла Тойа Жексон бор-йўғи бешта ашула айтади. Унинг бешинчи ва олтинчи августда бўладиган концертларида 36 нафар совет ва икки нафар америкалик раққослар иштирок этади.

«Энг қари» мамлакат

БОННТАСС. Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига кирган барча давлатлар ўртасида ГФР «энг қари» мамлакатдир.

Бу ерда 60 ёшга кирган ва ундан ҳам ошган 12,6 миллион граждан яшамоқда, булар ана шу давлат барча аҳолисининг тахминан 20 процентини ташкил этади.

Ҳар бир миллион аҳоли ўртасида юз ёшга етган кишилар ўртача 36 тадир. Умуман, ГФРда 100 ёшдан ошган кишилар 2 минг нафардан кўпроқдир.

Нодир операция

Ўлиб тирилган бола

Лос-Анжелес штатининг чекка шаҳарларидан бири Лендейль шаҳрида ақл бовар қилмайдиган воқеа содир бўлди. Шу шаҳарлик болакай 10 ёшли Тимоти Матиас ўлиб тирилди деса бўлади. Аризона штатининг Феникс шаҳридаги Сент-Жозеф касалхонасида Бэрроу неврология институтининг врачлари томонидан бажарилган нодир операция туфайли боши танасидан деярли узилиб кетган болакай омон қолди.

Бу мудҳиш фожиа шу йил 26 апрель куни эрталаб содир бўлган эди. Велосипедда мактабга шошиб кетаётган Тимоти Матиасни юк машинаси қўққисдан уриб кетди. Болакай ғоятда оғир аҳволда Аризонага жўнатилди. Унинг боши умуртқа суягидан бутунлай ажралиб кетган ва фақат бўйин томирларигина илиниб қолган эди. Шу алпоздаги жароҳатланган кишиларнинг ҳаммаси шу вақтгача ўлимга маҳкум бўлишган.

Тимоти касалхонага келтирилган пайтда деярли ўлим ҳолатида эди. У бутунлай эс-ҳушсиз, қимирламас, фақат ўқтин-ўқтин беҳол нафас оларди холос. Боланинг аҳволи шунчалик оғир, унинг тузалишига бўлган умид бутунлай йўқ бўлишига қарамай, жарроҳлар Харольд Ринате, Роберт Спецлер ва Уолкер Зонтаглар дарҳол операцияни бошлаб юборишди. Болани операция қилиш деярли беш соатга чўзилди. Бемор саккиз кеча-кундуз ўлим билан олишди деса бўлади. Врачлар ҳам саккиз кеча-кундуз бола аъзоларидаги ўзгаришларни, соғайиш аломатлари бўлиш-бўлмаслигини интиқлик билан кузатдилар. Май ойининг ўрталарига борганда болада соғайиш аломатлари юзага кела бошланди. Бундай ҳолатни кўриб врачларнинг ўзлари ҳам ҳайратда қолдилар. Аввалига Тимоти тилга кирди. Унинг юз ва бошқа аъзоларидаги томирлар ҳаракатга кела бошлади. Хуллас бола тузалди, қайтадан туғилгандек бўлди. У касалхонадан тузалиб чиқди. Врачлар унинг келажакдаги ҳаётига катта ишонч билан қарамоқдалар. Боланинг шикаст еган аъзолари бутунлай тузалишига, бошқа соғлом болалардай бўлиб кетишига қатъий ишонч билдиришмоқда.

Тимоти касалхонадан чиқишдан бир неча кун аввал суратга тушди. Суратда Тимоти Матиас.

АП—ТАСС сурати.



ПУДРАТЧИ НЕГА РАНЖИДИ?

Сурхон воҳаси меҳнаткашлари мамлакатга 1 миллион тонна эртаки сабзавот етказиб бериш ташаббуси билан чиққан эдилар. Бу сабзаворкорларни тер тўкиб меҳнат қилишга ундадик. Пайкалларда мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Бироқ...

Ҳўжалик ҳисобидаги Термиз тайёрлов пункти ёнига помидор ортган юк машинаси келиб тўхтади. Ундан тушган кишининг асабийлашгани авзойидан шундоққина билиниб турарди.

— Олишмади, — деди у тарозибон А. Эгамбердиевга.

— Нега?

— Шарбат цехи ишламаяпмиш. Мотори қуйганмиш. Сўнг... Саралаб берармишмиз. Сараланг-да, чиқитини олиб кетинг, дейишади. Нимасини саралай, қаранг, ўзи сара-ку десам, цех бошлиги елка қисади. Тушунмайсиз-да, дейди. Нимасига тушунмай? Тушуниб турибман, олмоқчи эмас.

Биз бу куюниб сўзлаётган киши билан танишдик. У — Норсаҳат Қулбоев, Термиз районидаги «Намуна» колхозининг оилавий пудратчиси.

— Колхоздан бир гектар ер олганман, — дейди у. Бола-чақам билан баҳоли қудрат меҳнат қиляпман. Кичикроқ майдонда карам етиштирдим. Ҳосил ёмон бўлмади. 19 тонна карам топширдим. Рости, карам 15 майга қадар юз фоиз пишиб етилди. Лекин унинг бир қисмини июнь ойининг ярмига қадар ҳам сотолмадим. Далада карам офтобда саргайиб ётса, ишлагинг ҳам келмас экан. Ҳали тайёрлов пунктига бораман, ҳали раисга учраганман, ҳали темир йўл станциясига ўтаман... Шундай югур-югур билан эртани кеч қиламан. Гоҳ наряд йўқ, гоҳ вагон йўқ, дейишади. Нарид бормийўқми, менинг нима ишим бор?

Мен сабзаворкорман. Қурбим етганича эртароқ ҳосил етиштирдим. Ҳам кеча-кундуз далада ишла, ҳам маҳсулотни топшириш учун ялинибелвор, у идорадан бунисига кир, — деққонни бундан ортиқ хўрлаш бўладими! Шунча югуриб-елиб ҳам 5 тонна карамни қўлдан бой бердим. У чириб, ўзўзидан нобуд бўлди. Менинг меҳнатим ҳам зое кетди.

— Биз ҳам, — дейди шу колхоз аъзоси Юсуф Шомуродов, — оила аъзоларим билан 1 гектар ерда карам, помидор, бодринг етиштирдик. Оилавий пудратнинг азоблари шундай бўлса, келгуси йилдан йиғиштириб қўймоқчиман. Шу йил май ойида 2 тонна карам узиб, идишларга жойладик. «Бугун вагонларга юклашга рухсат беришармиш... Эртага рухсат бўларкан», деб беш кунни ўтказдик. Ўша кунлар қўйи ҳам аямай қиздирди.

Мухбиримиз бонг уради

йўқ. юклашга рухсат берилмади. Сасиган карам ҳидидан ҳовлида туриб бўлмади. Охири, қишлоқдан четга чиқариб тўкиб ташладим. Умримда биринчи марта меҳнатимга ичим ачишди, бўғилдим, йиғладим ҳам.

Яқинда шу ерга 4 қоп бодринг олиб келдим. Бодрингнинг килоси июль ойида ҳам бозорда 1 сўмдан тушганмас. Тайёрлов пункти эса биздан арзон гаровга сотиб олди. Шунча бодринг арзимаган пул бўлди. Лекин шуни топшириш учун бир кун вақтим кетди. Палакдан уни ўзимиз узсак, ўзимиз қайсидир шоферга ялиниб олиб келсак, қабул қилувчилар эса гоҳ идиш йўқ, гоҳ вагон йўқ, гоҳ наряд йўқ, деб баҳона қилдилар. Бу сарсону саргардонликнинг чек-чегараси борми?

Пудратчилар ҳақ. Буни мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳам тан оладилар. Ҳозир воҳада ҳар бир деҳқон ниҳоли борича, кўпроқ сабзавот етиштиришга бел боғлаган. Бу иштиёқ кун сайин кучайиб бормоқда. Бу ҳаракатни ҳисобга олиб, область-да бирмунча ишлар ҳам қилинди. Чунончи, область мева-сабзавот бирлашмаси тузилди. Мева ва сабзавотга ихтисослашган барча хўжаликлар шу бирлашма ихтиёрига ўтказилди. Бирлашма эса ҳар районда хўжалик ҳисобида ишлайдиган тайёрлов пункти очди. Бу ташкилот колхоз ва совхозлардан аҳолидан сабзавот ва полиз маҳсулотлари, мева қабул қилиб олади. Энди маҳсулот учун идишлар етказиб бериш ҳам шу ташкилот зиммасига юкланмоқда. Бироқ, бу ҳали кам.

«Плодовошпром» область бирлашмасига қарашли Термиз тайёрлов пункти бошлиғи Э. Новвотовнинг айтишига қараганда, бу ташкилот ихтиёрида ҳозир атиги 4 минг дона идиш бор. Ваҳолонки, уларга шу кунларда 100 минг дона идиш зарур. Ана шунда ҳар куни биргина помидорнинг ўзидан 40 тонна нага қадар қабул қилиш мумкин. Тайёрлов пункти Термиз шаҳри аҳолисига бир кунда 20 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб беришни режалаштирган. Аммо шаҳарда атиги 5 та сабзавот дўкони бўлиб, унинг ҳам 2 таси ишламайди. Шунинг учун «кўча савдоси»ни кенг ташкил қилмоқ лозим. Бунинг учун ҳатто автодўконлардан, тиркама аравали тракторлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шаҳар мева-сабзавот савдоси — «Горплодовошторг» ҳали бу ишни йўлга қўйганича йўқ. Шаҳар ижроия комитетидагилар бу ҳақда кимдир уларга эслатиб қўйиши ёки фармойиш беришини кутиб турганга ўхшайдилар.

Хўш, шаҳарда-ку сабзавот дўконлари ташкил қилинмаган экан, пудратчилар нега қараб турибдилар? Улар маҳсулотни тонна-тонналаб сувга ағдаргунча трактор ва машиналарда бозорга олиб келиб сотмайдиларми? Бу саволимизга сабзаворкорларнинг бир қисми: «Колхоз билан шартномамиз бор-да. Улар «олдин шартнома мажбуриятини бажаринглар», дейдилар. Бозорга элтиб сотишга рухсат бермайдилар. Итоат қилмасак, ердан ажратиб қоламиз». Баъзи сабзаворкорлар эса: «Мен бозор учун маҳсулот етиштирганим йўқ. Шартнома тузишдими, марҳамат, қабул қилиб олишсин» дейдилар.

Пудратчи ижарачи эмас. Ижарачи қанча эрта маҳсулот етиштирса, шунча хурсанд бўлади. Чунки у маҳсулотни истаган пайтда бозорга чиқариб пуллай олади. Хоҳласа тайёрлов идорасига ҳам топшириш мумкин. Бошқа шаҳарлардаги корхоналар ёки маиший хизмат ташкилотлари билан ҳам алоқа қилаверади. У — эркин «қуш». Пудратчининг эса «ҳаракат доираси» бир қадар тор. Унга план берилган. Унинг назоратчиси ҳам кўп. У олдин планни бажариши, колхоз олдидаги қарзини узиши керак. Пудратчи планни бажаргунга қадар бозорда ҳам маҳсулот кўпайиб қолади. Шунинг учун ҳам оилавий пудрат сабзаворкорни бездириб қўяяпти.

Аслида, — дейди Э. Новвотов, — биз пудратчилар етиштирган маҳсулотни даланинг ўзида қабул қилиб олсак яхши бўларди. Айни пайтда бунинг иложи йўқ. Райондаги 4 та хўжаликдан сабзавот маҳсулотлари қабул қиламиз. Шу хўжаликлардаги аҳолининг кўпчилиги билан ҳам шартнома тузганмиз. Бироқ ҳозир биттагина тайёрловчимиз бор. У қанча маҳсулот қабул қила олади? Бизга мавсумда ишлайдиган тайёрловчилар сонини камида 10 нафарга етказишга рухсат берсалар, иш юришиб кетарди. Рухсат олиш осонмас. Кўп идоралар ҳамфикр бўлишлари керак. Улар бир фикрга келгунича мавсум ҳам ўтиб кетади. Бу йил сабзавот маҳсулотлари кўплигини ҳисобга олиб, 4 та дўкон очдик. Бу билан муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Биз маҳсулотни қабул қилиб улгуролмаётирмиз. Шундай долзарб пайтда райондаги маҳсулотни қайта ишлайдиган яккаю-ягона «Кооператор» консерва заводининг ёлчитиб ишламаётгани ташвишли ҳолдир.

Биз заводдаги аҳволни ҳам ўргандик. Унинг қурилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Завод «Намуна» колхозида етиштирилган маҳсулотни шу жойнинг ўзида қайта ишлаш мақсадини кўзлаб қурилганди. Ўтган йил 19 июлга қадар (бу даврда завод колхоз ихтиёрида эди) корхона хўжаликдан 58 тонна бодринг 4 тонна ўрик, 268 тонна помидор қабул қилиб олган эди. Шунингдек, заводга районнинг «Октябрь 40 йиллиги», «Дўстлик» ва Ленин номли колхозлари ҳамда аҳоли анчагина маҳсулот топширган эди.

Бу йил область агросаноат комитети қистови билан колхоз заводни кооператорлар ихтиёрига топширишга мажбур бўлди. Унга «Кооператор» деб ном бердилар. Бироқ, натижа кутилганидай бўлмади. Завод атиги 2 июлдан бошлаб маҳсулот қабул қилишга киришди. Июль ойининг ярми аллақачон ўтиб кетганига қарамай, бор-йўғи 27 тонна маҳсулот қабул қилди. Лойиҳа бўйича эса корхона ҳар куни 12,5 тонна сабзавот маҳсулотлари қабул қилиши лозим. Аммо бу ерда кунига атиги 2 тонна маҳсулот олинаётир.

Нега дуппа-дуруст ишлаб турган корхона бу аҳволга тушиб қолди? — деб сўрадик завод бош инженери К. Ҳасановдан.

— Биласизми, — дейди у бир фурсат ўйлаб олгач, — цех линияларини тўлиқ ишлатиш учун эҳтиёт қисмлар йўқ. Шарбат цехи моторини 3 литрли банкаларни ёпишга мослаштирилган линияга олиб қўйдик. Биттагина мотор сўраб, кирмаган эшигимиз қолмади. Завод лойиҳа қувватининг 30 фоизи атрофида ишлаётир. Сабаби, 5 та буғ қозонидан 3 таси ишламайди. Ишлаб турган 2 та қозоннинг ҳам фойдаланиш муддати аллақачон ўтиб кетган.

«Намуна» колхози раиси Н. Бўриевнинг ҳам худди оилавий пудратчи сингари фиғони фалак:

— Завод ҳали ҳам хўжалигимиз балансида турипти, — дейди, у. — Аммо у бизнинг талабимизнинг 10-20 фоизини ҳам қондираётгани йўқ. Колхозда 125 та оилавий пудратчи бор. Улар эрта ҳам, кеч ҳам ҳоли-жонимга қўйишмайди, «Эй, дедингиз, мана, эндик. Энди маҳсулотни қаерга топширайлик?», дейишади. Мен уларга нима деб жавоб қилишим мумкин? «Облагропром»га хат ёздим. Райкомга, райижроком раҳбарларига айтдим. Заводни колхозга қайтаринглар, дедим. Ҳали талабга амалий жавоб олганимиз йўқ. Ёз эса ўтиб бораяпти. Сабзавот маҳсулотлари саратоннинг жазирама тафтида истеъмол сифатини йўқотиб, нобуд бўлмоқда.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Самарқанд область, Булунғур районидаги «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» совхозида кичик медицина ходимлари тайёрлайдиган бир йиллик пулли курс очилди.

Суратда: район марказий касалхонаси терапевти М. Умрзоқов машғулот ўтказаётган пайт.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

• Газетхон ҳукмига ҳавола

Тарихий ҳақиқат бузилган эди

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг партия тарихи сектори йиғилишида ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтида бўлиб ўтган манбашунослик ўқишлари илмий анжуманида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилган тарихий саналар нотўғри белгиланганлиги ҳақида Тошкент давлат университети доценти, тарих фанлари кандидати С. ХОЛБОЕВнинг илмий маърузаси тингланди. Мухбиримиз М. ПИРМАТОВ ана шу муаммо ҳақида суҳбатлашди.

— Революцион қайта қуриш жараёнида социалистик имкониятларни тўла рўёбга чиқарувчи тарихий ҳақиқат — социал адолатни қарор топтириш, социалистик демократияни янада кенгайтириш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилаётганлиги бежиз эмас. Тарихимиз саҳифаларида «оқ доғлар» мажмуаси керагидан ортиқча топилади. Ҳозир олимлар даврасида бу борада мунозаралар давом этмоқда. Бизнингча, энди мунозаралардан амалий ишга ўтиш, тарихимизнинг ёзилмаган саҳифаларини тўлдириш пайти келди.

Ўтмишда чоп этилган тарихий китобларга ҳозирги ошкоралик, демократия, янгиланиш, танқид ва ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан холисона эътибор берилса, улардаги ноаниқлик, чалкашликлар ва тарихий ҳақиқатдан чекинишлар, яъни «оқ доғлар»нинг каттагина мажмуасини илғаб олиш қийин эмас.

Ана шу муаммолардан бири — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган тарихий саналардир. Олимлар даврасида шу масалани атрофлича муҳокама қилишга тўғри келди.

— «Ўзбек Совет Энциклопедиясн»нинг 14-жилдида «Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси, ЎзССР (Ўзбекистон)» деб номланган катта мақолада ҳамда унга илова қилинган «Ўзбекистондаги муҳим воқеалар хронологияси»да, шу билан бирга расмий ҳужжат ва бошқа солномаларда Ўзбекистон ССР 1924 йил 27 октябрда ташкил топган деб кўрсатилади. Бу кун шу кунгача байрам сифатида нишонланиб келинмоқда-ку?

Ҳамма гап шунда-да! Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши сиёсий ва миллий жиҳатдан оламшумул тарихий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам унинг ташкил топган куни тўғри ва аниқ белгиланиши лозим. Лекин негадир 1964 йилга келиб 1924 йил 5 декабрь, деб белгиланишига қарамай, бу сана йилнинг 27 октябрида ўтказилади. Бизнингча, бу иккинчи бор қайта тугилишга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Идеология бўлими томонидан 1964 йилда чоп этилган «40 лет Узбекской Советской Социалистической Республики» брошюраси «гувоҳлик» берган.

— Сотимжон Холбоевич, бу саналарнинг аслида қайси бири тўғри?

— Энг муҳими, бу аччиқ ҳақиқатнинг муаммо эканлигини тан олиш лозим. Шахсий фикримга келсак, мен юқорида қайд қилинган саналарнинг бирортасини ҳам тўғри деп олмайман. Чунки улар тарихий ҳақиқатга ҳам, мантиққа ҳам, қолаверса, марксча-ленинча тарих фанининг ўрганиш методологияси синфий ва партиявийлик принципларига ҳам тўғри келмайди. Улар маъмурий-буйруқбозлик, волюнтаризм ва юз берган қонунсизликнинг тарихимиз саҳифасидаги «классик намунаси»дир. Шу билан биз бу саналарнинг ўз тарихий ўрни ва аҳамиятини бутунлай инкор этмоқчи эмасмиз.

Бизнингча, Ўзбекистон ССР ташкил топган куннинг 1925 йил 17 февраль деб белгиланиши ҳақиқатга тўғри келади. Чунки шу куни республика Советларининг биринчи таъсис съезди (Бухорода) «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганлиги тўғрисида декларация» қабул қилади. ЎзССР Марказий Ижроия Комитети аъзоларини сайлайди. Куннинг иккинчи ярмида эса Марказий Ижроия Комитетининг I сессияси йиғилдош Охунбоев бошчилигида ўзининг Президиумини сайлайди. Шу билан Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ҳам фактик жиҳатдан, ҳам юридик жиҳатдан ниҳоясига етказилади. Декларация тенг ҳуқуқли миллий республика ташкил топганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Барча иттифоқдош республикалар ҳам ўз туғилишини ўзларининг биринчи таъсис съездларида мазкур республика ташкил этилганлиги ҳақидаги Декларация қабул қилинган кунидан ҳисоблайди. СССРнинг ташкил топган куни ҳам «СССР ташкил топганлиги ҳақидаги Декларация»га биноан 1922 йил 30 декабрь деб белгиланган.

— 27 октябрь ва 5 декабрь саналари ҳам ўз тарихий аҳамиятига эга дединг из. Шу хусусда батафсилроқ тўхталсангиз!

— Албатта, бу саналарнинг Ўзбекистон ташкил топган куни деб белгиланиб келиши тасодиф эмас. Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин Ўрта Осиёда Туркистон Автоном ССР, Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Социалистик Республикалари ташкил топди. 1924 йилга келиб, бу республикаларда яшовчи халқлар орасида ижтимоий-сиёсий ҳаракат — миллий давлат чегараланиш ўтказиш, миллий республикаларга бирлашиш ва СССР составига кириш иштиёқи туғилди. ТАССР РСФСР составида бўлганлиги учун дастлаб, халқ хоҳиши — қайта чегараланиш ўтказиш эканлиги маълум қилинади. РСФСР Советлари Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг сессияси бу илтимосни 1924 йил 14 октябрда маъқуллайди. Шундан сўнг шу йил 27 октябрда СССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг II сессияси ҳам Ўрта Осиёдаги уч республика Советлари қурултойларининг миллий давлат чегараланиши ўтказиш тўғрисидаги талабномасини қўллаб-қувватлайди, сессия қарорида «меҳнат аҳлининг эркин равишда ўз хоҳишини изҳор этиши энг олий қонундир» деб алоҳида таъкидланади.

Энди 1924 йилнинг 5 декабри масаласига келсак. Бу сана қарийб қирқ йил давомида Ўзбекистон ССР тавалludи сифатида байрам қилиб келинди. Худди шу куни Ф. Хўжаев бошчилигида миллий чегараланишни ўтказиш ва ЎзССРни ташкил этиш учун Советларнинг биринчи таъсис съездини чақиришга масъул бўлган революцион комитетнинг «Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашларига!» мурожаатномаси «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» газеталарида босилган эди. Бу иккала сана ҳам Ўзбекистоннинг бош тарихий санаси бўлолмайди. Негаки, СССР Марказий Ижроия Комитетининг сессияси Ўрта Осиёда миллий социалистик республикаларнинг тузишга кўрсатма беришга масъул эмаслиги, бу ҳуқуқ ва ҳоқиш халқнинг ўзида эканлиги, сессиядан роса 21 кундан кейин Файзулла Хўжаев бошчилигида ревком тузилиши», «Мурожаатнома»нинг газетада эълон қилинган кун республика туғилишини билдира олмаслиги, ревкомнинг ўзи эса ташкилий революцион характерга эга эканлиги ҳисобга олинса бу нарса аёндир.

— Нега шу пайтгача бу муаммога эътибор берилмади?

— Саволингиз ўринли. Ҳеч ким шу чоққача эътибор бермаган, десак унчалик тўғри бўлмас. Эътибор берилса ҳам уни дадил кўтариб чиқишнинг имкони бўлмаган эди. Биз тарихий ва қомусий китоблар, илмий рисолалар ҳамда махсус юбилей нашрларини синчиклаб ўрганиб, уларда Ўзбекистон ССР тавалludи тўрт хил акс этилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Айрим адабиётларда Ўзбекистон ССР тавалludи 1924 йил 27 октябрь деб кўрсатилса, бошқа бирида у 1924 йил 5 декабрь деб белгиланган. Учинчи бир адабиётларда бу сана 1925 йил 17 февраль деб кўрсатилади. «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг учинчи томи ва бошқа бир қатор асарларда эса бу сана умуман тилга олинмайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, ҳуқуқшуносликс фанлари доктори, профессор К. Аъзамхўжаев ўзининг 1974 йилда чоп этилган «Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва ривожланиши» рисоласи ва бошқа асарларида Ўзбекистон ССР ташкил топишининг 1924 йил 27 октябрь деб белгиланиши ҳақиқатга тўғри келмаслигини кўрсатиб, бу масалага жиддий эътибор бериш зарурлигини уқтиради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти илмий ходимлари, тарих фанлари кандидатлари Д. Вайсман, М. Маҳмудов ва бошқалар ҳам фикримиз билан ҳамоҳанг эканлигини билдирдилар.

Бундан ташқари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтида ўтказилган манбашунослик ўқишлари давомида СССР Фанлар академияси Тарих институти илмий кенгашининг котиби, тарих фанлари доктори, Н. Бугай ҳам бизнинг фикримизни маъқуллади. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топишини, унинг биринчи таъсис съездида Декларация қабул қилган кундан белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади, деб таъкидлади у, анжуманнинг якуний мажлисида. Бу, менимча миллий масала билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда миллий Совет Социалистик республикалари ташкил топиши тарихини ҳақиқат кўзгусидан қайта ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

— «Ўзбекистон байрами»ни нишонлаш ҳақида муфассал тўхталсангиз?

— Бу саволга савол билан жавоб беришга тўғри келади. Қани, айтингчи, ҳозир республикамизда кенг халқ оммасига сингиб кетган бирорта миллий ёки умуммиллий совет байрами борми? Афсуски, йўқ. Бизнингча, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топган куни ана шундай миллий интернационал байрамга айлантириш зарур.

ДАВР ТАЛАБИ

Оналар ва болаларга ғамхўрликни кучайтирайлик

«Хотин-қизлар дунё учун ва дунё хотин-қизлар учун» шиори остида ўтган Осиё—Тинч океан региони мамлакатлари халқаро хотин-қизлар анжуманида хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеи, уларнинг дунёда тинчликни сақлаб қолишдаги ўрни ҳақида қизғин баҳсмунозаралар бўлиб ўтди.

Чет эллик дугоналаримиз пойтахтимиз саноат корхоналарида, хонадонларида бўлдилар. Тошкент областининг колхозларига сафар қилиб, қишлоқ меҳнаткаш аёлларининг ҳаёти ва турмуши билан танишдилар. Қайта қуриш хотин-қизларга қандай наф келтираётганлиги оилан қизиқдилар.

Очигини айтганда, биздаги оналар ва болалар учун мавжуд имкониятларнинг аксарияти анжуман қатнашчилари учун бир орзу. Айтайлик, оналар ва болалар санаторийлари, ҳомиладор аёллар, касалманд болалар санаторийси, шифохоналари, болалар уйлари, мактаб-интернатлар ва яна қатор шарт-шароитларга эгамизки,. буларни катта қониқиш билан тилга оламиз.

Социализм совет кишиларига, жумладан, хотин-қизлар ва болаларга берган имтиёзларга қиёс қилганда булар хамир учидан патир, холос. Оналар ва болаларимиз турмушини янада яхшилаш борасида ўз ички муаммоларимиз бор. Эндиликда буни ҳеч кимдан яширмаймиз.

Пахта далаларида меҳнат қилаётганларнинг кўпчилиги хотин-қизлардир. Уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, маданий савияларини ошириш масалалари, фарзандлари учун боғча-яслиларга бўлган эҳтиёж тўла ҳал қилинган дея олмаймиз.

Ишлаб чиқариш корхоналарида аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш, ҳар бир корхона учун унинг нимага ихтисослашганини ҳисобга олиб санитария-гигиена нормаларини ишлаб чиқиш борасидаги ишлар денгиздан бир томчи, холос.

Хотин-қизларимиз ва фарзандларимиз ҳаётини муҳофаза қилишда экологик омиллар таъсирини ўрганиш борасида олимларимиз, айниқса шифокор олимларимиз олдида катта вазифалар турибди. Хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш жараёнидаги ишлар талаблар даражасида эмас. Бу борада хотин-қизлар кенгашларининг фаоллиги етишмаяпти. Кенгашлар ўз ишларини катта қизиқиш билан бошлашдилар-у, назаримда йўлда учраган тўсиқлар, қийинчиликлар, муаммоларни бартараф этиш учун ўзларида катта куч топа олмаяптилар.

Ваҳолонки, қишлоқ хўжалик экинларини экиш, йиғиб-териб олиш борасида асосий куч бўлган хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш учун бу жараёнга кўпроқ эркакларни жалб этиш масаласига эътиборни кучайтириш керак. Ахир, аёл тонг саҳардан қўлида боласи билан далага отланса, уй-рўзғордаги нон ёпиш, молхолга қараш, тайёрлаш ишлари... Томорқадаги минг бир икир-чикирлар-чи. Пахта чопигидан кейин ўтоқ, ягана, чеканка ва ниҳоят машаққатли терим фасли бошланади. Шундай қизғин меҳнат жараёни март ойидан бошланиб то ноябрь ойигача давом этади. Ҳаёти дала ва оиласи ташвиши билангина банд бўлган бундай хотин-қизлар қачон дам оладилар-у, қачон маънавий юксалиш, ўқиш, билим олиш ҳақида ўйлайдилар.

Меҳнат коллективларида банд бўлган 200 мингга яқин хотин-қизнинг меҳнат муҳофазаси нормадагидек эмас. Улар атроф-муҳит, санитария ҳолати ёмон шароитда меҳнат қилмоқдалар. Баъзи бир корхоналарда балоғат ёшига етмаган қизларимиз меҳнатга жалб қилинмоқдалар. Янгийўл мебель фабрикаси, Жиззах аккумулятор заводидаги иш шароитлари хотин-қизлар организмига мутлақо тўғри келмайди. Газ иси нормадан 10 баробар ортиқ бўлган корхоналарда ҳам аёллар меҳнатга жалб қилинган. Ахир, бундай шароит аёл организми учун жуда зарарли. Бу ҳақда корхона раҳбарлари жиддий ўйлаб кўришлари, зарур чора-тадбирлар белгилашлари лозим. Негадир қишлоқ хўжалигида қўлланилган пестицидлар, гербицидлар ва бошқа химикатларнинг аёл организмига салбий таъсири бизга ҳамон сабоқ бўлмаётир.

Медицина муассасаларида, айниқса, район, қишлоқ туғруқхоналарида септика, антисептика қоидаларига тўла амал қилинмаяпти. Республикамиз медицина муассасалари бўйлаб диагностика аппаратлари етишмайди. Жинсий тарбия яхши йўлга қўйилмаган. Аёл кишининг соғломлилиги, унинг ҳомиладорлик даври ва туғиш жараёни, тугилган фарзанд муҳофазаси ўртасида узвийлик йўқ. Ҳатто биз юқорида тилга олган чет эллик дугоналаримиз ҳавас билан қараётган болалар санаторий, мактаб-интернатларидаги тарбия ишлари санитария ҳолатлари таъминот масалалари талаблар даражасидан анча паст.

Республика халқ контроли комитети бюроси аъзоси сифатида бундай салбий ҳолатлар билан тез-тез тўқнашиб туришга ва бу масалалар муҳокама этиладиган йиғилишларда қатнашишга тўғри келади.


Республикада 49 та ўсмирлар санаторийси ишлаб турибди. Шулардан 12 таси жумладан, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент области ва Тошкент шаҳри санаторийлари санитария талабларига жавоб бермайдиган биноларга жойлашган. Уларда ҳар бир болага нормадаги 6 квадрат метр ўрнига 1,5 —3 квадрат метр жой тўғри келади. Кичкинагина хонага 15—30 каровот қўйилган. Қишда ҳарорат 13—15 даража, ёзда эса 36 даражадан ошади. Намангандаги Чортоқ болалар санаторийси хароба ҳолга келган. Хоналардан қишда чакка ўтади. Поллари чириган, деворларидан сувоқлар кўчиб кетган. Олмалиқдаги ревматология санаторийсида мактаб йўқ. Болаларнинг ўқишлари учун фақат биргина синф хонаси ажратилган. Унда ҳам 1-, 3-синф ўқувчилари учун дарс ўтилади.

Текшириш пайтида мавжуд 50 боладан 22 нафари дарсга қатнамаётгани маълум бўлди. Юқорида номлари тилга олинган санаторийлар шифобахш саналсаларда уларда дори-дармонлар доимо тақчил. Даволаш физкультураси кабинетлари жиҳозланмаган. Бемор болаларни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш масаласида катта тартибсизликлар, қонун бузилишларига йўл қўйилмоқда. Овқатлар калорияси 24—42 процентга камайтириб юборилган. Бунинг асосий сабабларидан бири болалар учун давлат томонидан ажратилаётган озиқ-овқатларнинг сарҳили нопок қўллар томонидан талон-торож қилинаётганидадир. Бундай олғир, юлғич кишиларга бешафқат бўлмоқ керак.

Жойлардаги жамоат ташкилотларидан ота-оналар комитетлари, айниқса хотин-қизлар кенгашлари, партия, совет ташкилотлари назоратни кучайтиришлари лозим.

Қайта қуриш жараёни унинг фаол қурашчилари бўлган хотин-қизлар, уларнинг фарзандлари ҳақида ғамхўрликни оширишга даъват этади. Бундай ғамхўрлик сўзда ёки қоғозда эмас, амалда бўлиши керак.

Х. ИКРОМОВА,
профессор.



«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ихтисослаштирилган лойиҳа- конструкторлик бюросида шаҳар иситиш тармоқлари иш тартибини бошқариш системаси тайёрланди. Янгилик «Таштеплокоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасида амалда муваффақиятли синаб кўрилди. У об-ҳаво ўзгарган ва авария шароитларида ҳам иссиқлик тармоқларини тежамкорлик билан ишлашини таъминлайди. Бюро ходимлари шаҳар трубопроводидан фойдаланиш системалари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича изланишларини давом эттиришмоқда.

Суратда: водопроводлар тармоғи бўлими группа раҳбари, техника фанлари кандидати А. Сандов, лойиҳа бош инженери, техника фанлари кандидати А. Валиев ва инженер программачи У. Мурдабоев тасвирланган.

Р. НУРИДДИНОВ сурати. (ЎзТАГ).

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ. АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Деҳқонобод районидаги Қарашина посёлкасида истиқомат қилувчи Э. Раҳимқулов аризаси кўриб чиқилди.

Район партия комитети бюросида «Бошчорбоғ» совхози директори Ш. Мирзаевнинг ҳисоботи эшитилди. Хўжаликка раҳбарликда камчиликларга йўл қўйганлиги учун унга виговор берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИ:

— Тошкент область педагогика билим юрти ходимларининг хати ўрганилди. Министрлик бўйича чиқарилган буйруққа кўра, раҳбарликда қўпол хатоларга йўл қўйганлиги учун билим юрти директори О. Эминжонов вазифасидан бўшатилди, ишдаги камчиликлар учун директорнинг ўқув ва ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосарлари, бош бухгалтер маъмурий жазоландилар.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ:

— Оқтош шаҳрида яшовчи Г. Илмуродов аризаси текширилди. Нарпай район марказий шифохонаси буйруғи билан камчиликларга йўл қўйганлиги учун юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи Б. Салоҳиддинов вазифасидан четлаштирилди.

БИЗНИНГ ШАРҲ

Олим ва журналистнинг Ўзбекистон ССР ташкил этилган кунининг нотўғри белгиланганлиги хусусидаги мулоҳазаларини ўқидингиз. Ҳақиқатан, «Правда Востока» газетаси ўзининг 1925 йил 19 февраль сонида Ўзбекистон республикасининг эълон қилинганлиги муносабати билан «Яшасин Ўзбекистон» мақоласида «17 февраль куни ўзбек халқи тарихига улуғ сана бўлиб киражак» деб ёзган эди.

Тарихий ҳақиқат кимларнингдир хоҳиши ва буйруғи билан ўзгартирилган экан, қайта қуриш, ошкоралик ҳамда демократия даврида у ўз ўрнини топиши лозим. Демак, республика тавалludининг янгича, аниқ кунини аниқлаш мақсадида обрўли комиссия тузилиши зарур. Биз бу қутлуғ ишга барча олим, ёзувчи ва газетхонларни таклиф этамиз.

• САНЪАТ ОЛАМИДА

ЎЗБЕКИСТОН ЖИЛОЛАРИ

Гарчи Москвадаги рассомларнинг Марказий уйида 27 июль кунн очилган кўргазманинг беш қатнашчиси турли миллатга мансуб кишилар бўлса ҳам, уларнинг асарларини Ўзбекистонга меҳр-муҳаббатдек ягона туйғу бирлаштириб туради. Татар С. Алибеков, уйғур Э. Исҳоқов, қорақалпоқ Д. Тўрениёзов, рус А. Пономарёв, ўзбек А. Мирзаев истеъдодларини ўзлари яшаб, ижод этаётган она юртга бахшида этдилар.

Бу пойтахт аҳлининг Ўзбекистон тасвирий санъати билан иккинчи бор учрашишидир. Қўйилган расмлар сони кўп бўлмасада, аммо муаллифлар республика ва ўз юртдошлари ҳаётини кенг кўламда тасвирлаб беришга муваффақ бўлганлар.

Жанрларнинг хилма-хиллиги ва мавзуларнинг турли-туманлиги кўргазманинг ўзига хос хусусиятидир. Она юртнинг тарихи ва бугунги кунига бағишланган А. Мирзаевнинг асарлари ёнидан С. Алибековнинг кинофильмлар ва мультфильмларга ишланган эскизлари жой олган. Бу ерда А. Пономаревнинг портретлари ва натюрмортлари ҳам намойиш этилмоқда. Рассом китоб графикаси соҳасида ҳам самарали ишлаяпти. Унинг «Минг бир кеча» эртакларига, машҳур совет ва чет эл адибларининг асарларига ишлаган расмлари кўргазмага келувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Э. Исҳоқовнинг графика варақаларида намойиш этилаётган «Инсон — коинот» белги системаси ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши табиийдир. Санъаткор идеограммаларда шоирона фалсафий ғояларни талқин этишга уринган. Д. Тўрениёзовнинг ёғочдан ясалган ҳайкалларида рассом қалбининг ҳарорати ва самимияти сезилиб турибди.

Асарлар билан юзакироқ танишганда ҳам ҳар бир муаллифнинг санъатда ўз мавзуи ва ўзига хос ижодий услуби борлиги сезилади. Аммо улар ижодини замондошларимизнинг ўй ташвишлари ва орзу армонлари ҳақида, табиат ёрдамга муҳтожлиги тўғрисида, гўзаллик ва уйғунликнинг бебаҳо қудрати ҳақида фикр юритиш истаги бирлаштириб турибди.

С. БУГАЕВ,
ТАСС мухбири.

Москва

• Яхшидан боғ қолади

КЎНГИЛ КЎПРИГИ

— Кўнгил кўнгилга кўприк. Ў — меҳрли кўз, мурувватли сўз, оқибатли кишиларнинг бир-бирига лутфи. Кўнгил кўприги — бу инсоннинг инсонга ҳамдардлиги, бир-бирига таянч тоғ бўлишга қодир бўлган турли миллат кишиларининг иноқлигидир.

... Виктор Фабернинг сўзлари ўйлантириб қўйди мени. Ўзи ёш, лекин ўта серфикр, сермулоҳаза немис йигитининг ватани Ўзбекистон бўлса ҳам унинг ота-боболари Германияда туғилиб ўсган. Йўллар шаҳарларни шаҳарлар билан, музофотларни музофотлар билан боғлайди. Йўллар одамларни ҳам бир-бирлари билан учраштиради. Аввалига бир дақиқа ёки бир неча соатлик, сўнг бир умрлик дўсту ёрга айлантириб қўйиши мумкин. Фабер билан учрашувимиз, танишувимизга ҳам Тошкент Андижон оралиғидаги йўл сабабчи бўлди.

Фабернинг бобоси Коммунистик партия аъзоси эди. Узоқ йиллар ўз Ватанидан йироқда, Қирғизистон тоғлари оралиғидаги қурилишларда ишлади.

Бу, оламда ягона буюкликни даъво қилган Гитлер бошлаган мудҳиш уруш оқибатидир. Лекин дунёда Генрих Гейне, Гёте каби талант соҳибларини берган немис халқининг фарзанди бўлган Фабер мана шу олис ўлкаларда ҳам ўз меҳнати билан ҳалол нонини топиб еди. Оила қурди, ўзидан кўпайди, мана шу тупроқни севишни, ардоқлашни, ўрганди, Ватан деб тан олди.

— Бобом ўзбекларнинг тантилиги ва меҳмондўстлигини севади, қирғиз қўбизидан таралган куйларни берилиб тинглайди, — дейди Виктор. — Бизга у немис халқининг эртаклари, ривоятларини эринмай сўзлаб берарди. Ушбу заминнинг одамларини сев, ҳурмат қил, лекин ўз тилингни зинҳор унутма, дейдилар. Инсонни ҳар ерда азиз ва муҳтарам этган нарса бу — инсонийлик, инсоний меҳр-мурувватни эҳтиётлай билиш деб уқтирадилар бобом. У ишчилик касбини улуғлаб яшади. Ишчи бу — дунё иморатининг устуни, дейдилар ҳамиша. Бизга ҳам ишчи бўлишни уқтирдилар...

Ҳа, Виктор Фабер бобоси ўгит қилганидек ишчилик касбини танлади. Мойлисойдаги электр лампа заводига ишга кирди. Хотини матлубот ходими. Фарзанди бор. Виктор ўзбекистонлик бўлиб кетганидан, бағри кенг юртнинг бағри дарё одамларидан мамнун. У немис тилини қандай билса, ўзбек, қирғиз тилларида ҳам шундай гаплаша олади.

— Ўзбекистон билан Қирғизистон чегарасида бир боғ барпо этилди, — деб қолди Виктор. — Бу боғ бамисоли кўприк. Аввало у икки республикани бир-бири билан боғлаб туради, шундоққина чегара чизиғининг устида. Боғда ҳар оқшом турли миллат ёшлари тўпланамиз. Ҳар биримиз коллективимиз, ўз меҳнатимиздан, ютуғу, муаммоларимиздан сўзлаймиз. Ҳордиқ соатларимиз ниҳоят даражада хуш ўтади. Кўпинча бу боққа биз оилавий бўлиб келамиз. Болаларимиз болалар билан яйрашади, аёлларимиз аёллар билан. Биз ёшларнинг эса гаплашадиган гапларимиз мўл. Ўзбекларнинг бир мақоли менга ёқади: Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. Назаримда, икки республика оралиғидаги боғни ҳам ана шундай ҳамфикр, яхши одамлар барпо қилишган. Умуман, ўзбек халқи гулга, гўзалликка ташна халқ. Шунинг учун бўлса керак, бу халқ қўли етган жойни боғ қилади.

Биласизми, биз ана шу икки республика оралиғидаги янги боғимизга нима деб ном қўйдик: «Кўнгил кўприги» дедик. Истасангиз, бир келинг.

Виктор Фабернинг таклифи бизга хуш келди. Боғни кўриш истагида йўлга чиқдик.

Оқшом эди. Гектарларга чўзилиб кетган богда қушларнинг хониши авжида. Пастликда сойнинг тошдан тошга урилиб оқиши эшитилади. Сойнинг нариги ёғида бир-бирига туташган адирлар. Боғнинг чап томонида кўксултон, дилафрўз... Мева дарахтлари саломга чиққан келинлардай бош эгиб турибди. Шиғил мевалардан шохлар ларзон. Ораста токзорлар. Ўриндиқлар қўйилган мажнунтоллар хаёлга чўмган. Боғ айланиб сув оқади. Ариқларнинг икки четида райҳон. жамбиллар уфуриб турибди. Боғ ичида бесаноқ усти ёпиқ суҳбатхоналар. Суҳбатхоналар шарқона услубда безатилган. Боғнинг чап томонида қарилар учун алоҳида дам олиш хоналари. Боғ адоғи Қирғизистон ССР Ўш областининг сўлим Мойлисой шаҳри этагига уланиб кетади.

Боғнинг суҳбатхоналарида қизғин гурунглашиб ўтирган меҳнат кишиларига разм соламиз. Уларнинг дилтортар суҳбатларидан шуларни англаб оламиз: юрт тинч бўлса, одамлар ҳам тинч. Боғлар обод бўлса, демак одамлар дўстликнинг сўнмас бир бахорини, гулларнинг муаттар бир чаманини яратган кишилар ким, экани билан қизиқдик.

— 1985 йилнинг эрта баҳори эди, — деб ҳикоя қилади Маданият матлубот жамияти правлениесининг раиси Кенжабой Мирзажонов. — 5 гектарга чўзилган мана шу тошлоқдан ўтаётиб, ёввойи гулларга кўзим тушди. Ёз ойлари яна ўтдим. Ёввойи гулларнинг жизғанак бўлиб ётганини кўрдим. Сой бўйида узоқ юрдим, кўз ўнгимда мана шу бепоён тошлоқ гулзорга айлангандай бўлди. Матлубот ходимларига, ёшларга маслаҳат солдим. «Қарашамиз» дейишди улар. Район раҳбарларидан рухсат олдик. «Ҳашар» деган овоза ёшнинг ҳам, кексанинг ҳам юрагига иштибоҳ солиб қўйди. Топган гул, топмаган бир боғ пиёз деганларидай, биз бошлаган иш бутун қишлоқни оёққа турғазиб юборди...

Хулласи, ҳеч гиёҳ кўрмаган жазирама тошлоқ инсон саҳоваги, инсон муҳаббати билан боғи эрамга айланди. Боғдаги 20 минг тупдан зиёд мева дарахтлари шиғил ҳосилга кирди. Гулларнинг турини санаб адо қилиб бўлмайди.

Боққа кираверишдаги «Меҳнат ветеранлари уйи» дурадгорларнинг алоҳида меҳр-мурувватли билан безатилибди. Бу ерда ҳордиқ чиқариб, дам олишнинг ўзи узоқ умр бағишлайди кишига.

— Ҳали қилинадиган ишларимиз кўп, — дейди боғ соҳиби. — Боғ этагидаги теракзорлар оралиғи асфальтланади, гулзорлар орасига махсус зиналар қурилади. Шунингдек балиқ боқиладиган ва кўпайтириладиган ҳовузлар қазилади. Ёшларнинг меҳнатдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, суҳбат қуришлари учун яна талай қулайликлар амалга оширилади. Шунингдек, область миқёсидаги санаторий курмоқчимиз. Ҳозир санаторийнинг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланяпти. 1990 йилнинг баҳоридан 100 ўринли дам олиш уйи қурилиши бошлаб юборилади.

Диёримизда нима кўп, тошлоқ, ташландиқ жойлар кўп. Агар ҳар бир ташкилот, корхона ўз имкониятларидан келиб чиқиб, боғ ёки мевазорлар ташкил қилса, юртимиз жаннат бўлиб кетарди.

Ҳа, яхшидан боғ қолади. Зеро, ҳозирги кунда танқис меваларни кўпайтириб, боғлар барпо этаётган кишилар чинакам эҳтиромга сазовор.

Эътибор ОХУНОВА.



«Кўнгил кўприги» боғида. Чапдан ўнгга: Муҳаммаджон Матинаев (ўзбек), Қобул Маҳмудов (қирғиз), Виктор Фабер (немис), Миша Бердаков (рус), Мақсуда Жумабоева Маҳбуба Жалилова (ўзбек).

Р. АШУРОВ сурати.

ЖОНАЖОН ВАТАН БУЙЛАБ

● БЛАГОВЕШЧЕНСК

Хитой Халқ Республикасидаги еттита лойиҳа институти ва олий ўқув юрти Амур область марказида ташкил этилган Хитой меъморчилиги кўргазмасига ўз чизмалари ва макетларини тақдим этди. Экспонатлар орасида бизнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чиқилган лойиҳалар ҳам бор. Бунинг устига буюртмачиларга лойиҳаларнинг энг яхшиларини танлаб олиш учун тўла ҳуқуқ берилади. Икки мамлакат архитекторлари ўртасидаги ҳамкорлик уфқлари кенгаймоқда. Совет ва Хитой меъморлари Амур дарёси соҳилида қуриш мўлжалланаётган халқаро дам олиш маркази лойиҳасини кўриб чиқадилар.

● ЮРМАЛА
(Латвия ССР)

Юрмалада очилган кантри ва фольклор музикаси халқаро фестивали томошабинларга бир кечанинг ўзида латиш қишлоғидаги тўйни кўриш, денгиз қирғоғидаги матroслар қовоқхонасида ва ҳатто америкалик қорбойлар орасида бўлиш имкониятини берди. Фестиваль қатнашчилари орасида Латвия капеллалари, Литва, ГДР, Польшадан келган ансамбллар ва солистлар бор. Халқ куйларининг энг яхши ижрочиларини томошабинларнинг ўзлари аниқлайдилар. Уларнинг қарсакларига қараб тингловчиларга қандай қўшиқлар кўпроқ маъқул бўлганлигини бехато аниқлаш мумкин.

(ТАСС).

ҒАМХЎРЛИК

Шифокор Анвара Муҳаррамова ўз жамғармасидан минг сўмни В. И. Ленин номли болалар фонди республика бўлимига ўтказди.

У истиқомат қилаётган пойтахтдаги Киров район «Янгиариқ» маҳалла аҳолиси ҳам зилзиладан зарар кўрган арманистонлик ва тожикистонлик биродарларимиз учун ёрдам пули тўпламоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

НОҲАҚЛИК

Газетхон минбари

ёхуд Бухоро область уй-жой ва коммунал хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Ҳаёт Самиевга мактуб

Ҳаёт Ҳамидович! 1983 йилда сиз бошлиқ бўлиб тайинландингиз-у, ишхонамиз ҳақиқий таҳқир зонасига айланди. Демократия ҳали тушимизга ҳам кирмаган пайтлар эди. Сизга тик боқиб гапирганлар қувғин қилинди. Бу, албатта, «ўз ихтиёри билан» бўшаб кетиш ниқоби остида содир бўлди.

Ишдан бўшаб, шу соҳа бўйича бошқа корхонага жойлашдим. Аммо орадан беш йил ўтиб, икки ишхона бирлашди. Яна қўл остингизда ишлай бошладим. Бир неча ой ичида ишхона пароканда-ликка юз тутди. Ходимлар орасидаги гуруҳбозлик, ноаҳиллик, ғаразгўйликни кўриб, ич-ичдан эзилдим. Ўртадаги адоватлар туфайли турли ташкилотларга «ёзаёз» авжига чиқди.

Сиз ўзингизни юмшоқ, мулойим ва ҳақиқатпарвар қилиб кўрсатмоқчи бўлдингиз-у, бироқ калондимоғлигингиз ўз-ўзидан ошкор бўлиб қолади. Носоғлом вазиятнинг вужудга келишида ҳам бош айбдор — сиз!

Зотан, раҳбар одил бўлмаса, коллективда адоват туғилади. Ҳақиқатни гапирганлар қувғинга олиниб, бошлиққа қуллуқ қилиб турувчилар мақтовга сазовор бўлди.

Лион Измайлов ёзганидек: «Ҳақиқатни айтсанг, ўзингга қарши ишлатиб, жазолайдилар. Бирор баҳона топиб, албатта, ўч оладилар» («Ҳамма эмас, аммо кўпчилик», «Неделя», 1989 йил 4 сон).

Мана, сизнинг принципингиз!

Ажабланарлиси шундаки, юртда ошкоралик боиг ураётган бир пайтда ходимлар томонидан ёзилган арзномалар ими-жимида, ёпиқ эшиклар орқасида, йўриғингиздан чиқмайдиган, мустаҳкам қўрғонингиз — меҳнат коллективи кенгаши билан кўрилди. Ҳолбуки, бу кенгаш аллақачон коллектив ишончини оқламай қўйган. Шундай экан ҳақли саволлар туғилади:

«Нега шикоятлар коллективда кўрилмайди? Ёки бирор сиригиз ошкор бўлишидан қўрқасизми? Бу, албатта, арзномалар бўйича Министрликдан келган Р. Султонов ва область ижроия комитети вакили А. Лихачевга ҳам тааллуқли. Нега улар коллектив билан гаплашишни ўзларига эп кўришмади? Нега бошлиқ кабинетига келиб, шу ердан кетишди? Ёки уларнинг тили қисиқлиқ жойлари бормиди?

Декабрь ойида икки ишхона замирида янгиа бирлашма тузилиши муносабати билан штатлар жадвали тасдиқланди. Бу иш ҳам коллектив муҳокамасидан четда. енг ичида амалга оширилди. Хўш, қани сизнинг ошкоралигингиз, қайта қуришдаги иштирокингиз?

Бирлашма низомига мувофиқ, бирлашма раҳбари меҳнат коллективлари конференцияси томонидан беш йилга сайланиб, сўнг тасдиқдан ўтиши лозим. Бироқ амалда бу қоида ҳам қўпол равишда бузилди. На конференция чақирилди, на сайлов ўтказилди.

Сизни силлиққина бирлашма раҳбарлигига тасдиқлашди. Билмадим, бу масъулиятни ким ўз зиммасига олди экан? Ким сизни қоидага хилоф равишда, демократия принципларини менсимай область ижроия комитети сессиясида раҳбарлик лавозимига тасдиқлашга бош-қош бўлди экан? Наҳотки, Низомнинг юқори қисмига жимжимадор қилиб имзо чеккан область ижроия комитети раиси ўринбосари А. Раҳматов, Ўзбекистон ССР уй-жой ва коммунал хўжалиқ министри В. Михайлов -уни ақалли бир бор ўқиб чиқишмади? Ёки Низомнинг юқоридаги бандидан кўз юмиб қўя келишдими? Ноҳақликнинг илдизи шу ерда эмасмикан?

Сиз ишлаган даврни таҳлил қилиб кўрсам олти йилда беш бош инженер, бир неча бош бухгалтер алмашибди. Бу сизнинг кадрларга «гамхўрлигингиз» нишонаси эмасми?

Яқинда сиз бошчилигингизда Бухоро районида очилган диний маросимларни ўтказишда аҳолига хизмат кўрсатиш бюросининг ноқонунийлиги аён бўлди. Шу билан бирга, сиз раҳнамолик қилиб келган ташкилотларда 1988 йил давомида жами 51 минг сўм давлат пули ўмарилгани аниқланди. Министрлик эса бунга жавобан маошингизга 20 сўм қўшимча бериб, 400 сўм миқдорда маош тайинлашни сўраб область ижроия комитетига илтимоснома йўллади. Бунга қойил қолмай илож йўқ, тўғрими?

Балки министрлик сизга ҳайфсан беришдан чарчаб, рағбатлантириш йўлига ўтгандир? Балки бу «ноёб тажриба» ни кенг татбиқ қилиш керакдир?

Мен ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиш учун қўлимга қалам олган эдим. Лекин юрагимда тўлиб-тошиб ётган дардларим беихтиёр оқ қоғозга тўкилди. Жигимга бўшаб кетишга виждоним йўл қўймади. Майли, ариза ёзишга улгураман. Фақат мени қийнаб келаётган дардларимни шу ерга ташлаб кетишим керак. Бу дардлар аслида ноҳақликка қарши исёндир. Кошкийди бу фақат менинг кечинмаларим бўлса!

ХАЙР! Омон бўлинг.
Катта инженерингиз:

Сабрулло САЛИМОВ.

СПОРТ

ФАХРЛИ ЎРИН

● ЧИМ ХОККЕЙ. Канадада 21 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати якунланди. СССР терма командаси учинчи ўрин учун курашни Голландия хоккейчилари билан ўтказиб, 4:3 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бронза медалини қўлга киритишда терма команда составида иштирок этган Тошкент область «Политотдел» колхозини қизларидан опа-сингил Надежда ва Марина Чегурдаева ҳамда С. Гройсманлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. ГФР хоккейчи қизлари эса ҳал қилувчи учрашувда Жанубий Корея командасидан 2:0 ҳисобида устун келиб, чемпион бўлишди.

ИККИ ПОҒОНА

Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасига кирувчи коллективлари ўртасида ҳал қилувчи давранинг навбатдаги учрашувлари ўтказилди. Пешқадам «Ёшлик» командаси футболчилари сафарда «Ахал» коллективи билан ўйнаб (0:0), очколларини 32 тага етказди. Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари кетма-кет ғалабалардан кейин 30 очко билан иккинчи ўринга кўтарилишди. Бу сафар фарғоналик футболчилар «Соҳибкор» коллективини қабул қилиб (4:1), муваффақият қозондилар. «Зарафшон» футболчилари 26 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турибди.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 4 августда чиқади.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ

лазер оптикаси лабораториясининг **катта илмий ходими** (физика-математика фанлар кандидати) вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 5 августгача.

Мурожаат учун адрес: 700135, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, «Ц» квартали, «Правда» газетаси» кўчаси, 28-уй.

Телефон — 76-66-45.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ

1989 йил учун

энергетика ихтисоси, шунингдек энергия тикланажак ва нооанъанавий турлари ўзгариши, электр машиналари, электр станцияларн ва электр қуввати ҳосил қилиш ихтисослари бўйича

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар илмий секретарь томонидан **1989 йил 1 ноябргача** қабул қилинади.

Адрес: 700143, Тошкент шаҳри, Академиклар шаҳарчаси.

Телефон — 62-93-71.

«Ўзхимфарм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг
БУТУНИТТИФОҚ МЕДИЦИНА ВА МИКРОБИОЛОГИЯ САНОАТИ ХИМИЯ — ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ — ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ВНИХТИ)
лабораториялар бўйича илмий ходимлар вакант вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Катта илмий ходим: технология ва органик синтезлар катализаторлари (ферментатив катлиз группасида ишлаш учун);

—илмий ходим: термодинамик ва термохимик тадқиқотлар.

Конкурс муддати — 10 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700143, Тошкент шаҳри, Академиклар шаҳарчаси, Ф. Хўжаев кўчаси, 40-уй.

Телефонлар —62-59-54 62-59-25

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўздорстройтехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг
ОКТЯБРЬ ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ
шартномага кўра уй-жой вагончаларини ётоқхоналарини СОТАДИ

Маълумотлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент области, Янгийўл райони, «Хўжаовул» алоқа бўлими, 4-ГЭС.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 15-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1989-1990 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

8-синф маълумоти билан билим юртига қабул қилинганлар уч йил муддатда монтажчи-ғишт терувчи, бўёқчи-сувоқчи, дурадгор,электргаз пайвандчи, дурадгор-мебелчи касбларини эгаллайдилар.

БУ КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН 15 ЁШ ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

6 ойлик курсларга ҳарбий мажбуриятни шу йилнинг май ойидан бошлаб ўтаб қайтганлар, шунингдек 10-синф маълумотига эга бўлган йигитлар қабул қилинади. Уларга 75 сўм миқдорида стипендия тўланиб, улар юқори вольтли ҳаво линияларида катта кучланишли электр тармоқлари бўйича мутахассис, электр-газ пайвандчи, дурадгорлар, сувоқчи-бўёқчи, слесарь-сантехник мутахассисликларига ўқитилади.

ЙИЛЛИК КУРСЛАРГА 10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Уларга темир йўл ва метрополитенда автоматика, телемеханика ва алоқа қурилмаларини жиҳозлаш, бўёқчи-сувоқчилар, дурадгор, электр-газ пайвандчи, ғишт терувчи ва пардозловчи касблари ўргатилади ва уларга 30 сўм миқдорида стипендия тўланади.

8-синф маълумоти билан билим юртига қабул қилинганлар 4 маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош, узоқдан келганлар ётоқхона билан, бундан ташқари ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процента билан таъминланади.

УҚИШ ВАҚТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқишни имтиёзли диплом билан битирганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланмалар берилади. Улар институтга конкурсдан ташқари қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар 1 сентябргача қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки етуклик аттестати, турар жойдан справка, 5 та 3х4 см ҳажмдаги фотосурат, соғлиги тўғрисидаги 086/У формадаги медицина справкаси, характеристика.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 19.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слоним кўчаси, 113-уй (26, 151, 161, 15, 48, 61, 154-автобусларнинг «Иззат» бекати). Телефон: 96-17-61.

ВЦСПСнинг
Бутуниттифоқ марказий меҳнат муҳофазаси илмий-тадқиқот институтининг
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
вакант вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудир: вентиляция ва атроф муҳитни қўриқлаш лабораторияси бўйича вентиляция ва ҳавони кондициялаш сектори (фан кандидати);

катта илмий ходим: техника хавфсизлиги лабораторияси (фан кандидати).

Конкурс муддати — 13 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй (10э, 28э, 34э, 82-автобусларнинг «Медиклар шаҳарчаси» бекати).

Телефон — 46-66-02.

●

Ўзбекистон ССР Давлат Агросаноат комитетининг
«УЗАГРОИНФОРМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
қолдиқ баҳоларида ЕС-1045 ЭҲМ: ЕС-1033 ЭҲМ ларни СОТАДИ

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700195, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4«а» уй. Телефонлар — 44-58-04, 44-51-01, 44-60-25.

«Муштум» журнали редакцияси коллективи редактор-адабий ходими М. Сатторовга укаси

ЭРГАШЖОНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи правлениеси ва Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри коллективлари Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Юнусовга ўғли

Равшан ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика илмий атеизм уйи коллективи катта илмий ходим А. Абдуллаевга онаси

Мунаввар БАҲРИДДИНХЎЖА қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Республика тармоқлараро раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш институти коллективи ижтимоий фанлар кафедрасининг доценти Д. К. Набиевга отаси

Қудус Абдулқаевич НАБИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-48, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматда босилади.

Р — 01380. Б. — 179. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12